



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 5-oktyabr №42 (4492)

ЯШНАЁТГАН ТАРИХИЙ МАСКАН

Ўзвчилар уюшмаси йўлланмаси билан



Жом — Самарқанднинг қадимги дарвозаларидан бири. Қашқадарёнинг Чироқчи тумани ва Улус чўлларида туташиб кетган. Жом қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига Жом, Гирдиқўрғон, Тегирмонбоши, Омондара каби катта маҳаллалар бор. Худуди ҳам шунга монанд — тарқоқ. Бу сафар ҳам Жомнинг янги кўриниши, бунёдкор халқи билан суҳбатлашиш мақсадида йўлга тушдим. «Обод

қишлоқ» штаби биносида 72 ёшли тиниб-тинчимас бир отахон билан танишиб қолдим. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида қирқ йилдан зиёд фаолият юритган Эштурди Раҳимов менга ҳамроҳлик қиладиган бўлди. — Тарихи йўқ халқнинг келажаси йўқ, деган доно гап бор. Бу қишлоқ жуда қадимийдир, — дейди ҳамроҳим. — Дастлабки тош қуроллар, қирғич ва бошқа рўзгор

анжамлари шу ердан топилган.



Уюшма фаолиятдан

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР ЙИГИНИ

Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмасида «Давр, тафаккур ва ижод» мавзусида ижодий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш, улар олдида турган долзарб вазифаларни муҳофама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисда Уюшма раҳбарияти, ижодий кенгашлар аъзолари, ўзвчилар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугун мамлакатимизда адабиёт ривожига, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани, бу эса ўз навбатида, қалам аҳлидан фаоллиқни оширишни талаб қилаётгани алоҳида таъкидланди. Йиғилишда муҳофама қилинган масалалар бўйича тегишли тавсия ва таклифлар айтилиди, ижодий кенгашлар таркибига ўзгартиришлар киритилди.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Андижон вилоят «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низоми таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги раҳбарияти вакиллари, пойтахтдан ташриф буюрган ва андижонлик ижодкорлар, адабиётшунослар, жумладан, академик Наим Каримов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва бошқалар шоирнинг адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлашди.

Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо шоирнинг таваллуд айёми муносабати билан Республика «Ижод» фонди томонидан чоп этилган «Сайланма» китобини тақдим этди. Бу тўғрисида давом этган ижодий учрашувларда шоир фаолият юритган ташкил соҳаси ва жамоатчилик фаоллари, факрилар иштирок эттиди.

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Бадий академия ҳамкорлигида Ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган адиб Омон Мухтор ижодига бағишланган фотокўргазма ва хотира тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда шоирлар, адабиётшунослар ва адибнинг оила аъзолари иштирок этди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф, таниқли шоир Икром Отамурод ва бошқалар Омон Мухторнинг ижодий фаолияти, китобхоналар томонидан катта қизиқиш билан ўқилаётган асарлари, уларнинг, айниқса, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида таъкидланди. Тадбир давомида намоён этилган фотокўргазма, лавҳалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмасида таниқли ижодкор Менглибой Муродовнинг «Садоқат ва армоннинг ранглари» номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимода Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф, адабиётшунослар Аҳмабек Алимбеков ва адибнинг оила аъзолари сўзга чиқдилар.

ЮКИ ЗАЛВОРЛИ

Довон оша пойтахтдан водийга қайтмоқдам. Рухим қуддек енгил, гўё учиб бориб-учиб келяпман. Қувончим чексиз — энг улуг, энг азиз байрам арафасида Ўзвчилар уюшмаси аъзолари сафидан жой олдим.

Халқимиз азалдан ижодкор фарзандларини қадрлаб келган. Бугунги давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан ижод аҳлига қўрсатилаётган ғам-хўрликлар, рағбатлар, яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар ҳар биримизни эл дардини англаб яшаш ва ижод қилишга ундаётди. Чунки, Фарғонада барпо этилган «Ижодкорлар боғи», унда қад ростлаган уюшманинг вилоят бўлими биноси, Эркин Воҳидов мемориал музейи, истеъдодли ёшлар мактаб-интернати барча ёшдаги ижодкорларга бекиёс тўхфа бўлди. Бундай аjoyиб муҳит



Дил изҳори

ижодкорнинг бир илҳомига ўн илҳом қўшиши айни ҳақиқат. Шу билан бирга, берилган имкониётларнинг масъулиятини ҳам ҳис этиб қалам тебратиш, давр суръатига мослашиш бурчимиз эканини бир дам бўлса ҳам унутмаслигимиз зарур.

Аъзолик гувоҳномаларини қўлимизга топширар экан, Устозимиз бу ҳужжатнинг юки залворли эканини, уни юракнинг бир парчасидай эҳтиётлаб эъзозлаш кераклигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, энди

Фарғона

ОБУНА — 2019

Ҳурматли газетхон, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига 2019 йил учун обуна бошланди. Сиз севиб ўқишни ният қилган мазкур нашрга ўз ихтиёрингиз билан обуна бўлишингиз тахририят жамоасига катта куч ва ғайрат бағишлайди. Обуна ишлари барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилмоқда. Имтиёзли нархларда тахририят билан тўғридан тўғри обуна ташкил этиш ҳам йўлга қўйилган.

Мурожаат учун телефонлар: 71-233-49-93.
Нашр кўрсаткичи: 222.
Ташкилотлар учун: 223.



Замондошларимиз ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ

Жаҳонга машҳур тadbirkor,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби
Алишер Усмонов портретига чизгилар

Ўзбекистон жаҳон илму фани, адабиёти, маданияти тараққиётига — инсоният тамаддунига буюк алломаларни етиштириб берган мукаддас диёрдир. Жаҳонга маълум бу ҳақиқатга далиллар излаб мозийга муржаат этишга уринмайлик-да, бугунги кундан бир мисол келтирайлик. Ҳикоямиз қахрамони «Microsoft» компаниясининг асосчиси ва раҳбари машҳур Билл Гейтс каби жаҳоннинг катта ишбилармонлари сафидан ўрин эгаллаган, дунёнинг энг бой инсонларидан бири. У, асли, эли кўнгилчан, сўзи ширин, феъл-атвори юмшоқ, самимий Наманган фарзанди, ғўзалар ва газаллар макони — Чустдан.

Кўпчиликини ҳайратга соладиган бу воқеа ҳаётда онда-сонда содир бўлиб турадиган тасодифлар сирасиданми ёки бунинг замирида муайян бир қонуният, объект зарурат борми? Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, яқин ўтмишимиз ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчимиз.



► 2

ТАҲРИРГА ЗАРУРАТ БОРМИ?

Кейинги даврда она тилимиздаги сўз-ибораларни, адабий-маданий ёдгорликларимиз номларини арабийлаштиришга уринишлар кузатишмоқда. Халқимизнинг узок тарихида ҳам, яқин ўтмишида ҳам бундай уринишлар кўп марта бўлган. Аммо ҳеч бири ижобий натижа берган эмас. Ўзбек тилининг давлат тили мақоми учун курашиш паллалари, мустақилликнинг дастлабки йиллари шундай хуруж кучайди. Самолётни — тайёра, аэропортни — тайёрагоҳ, факультетни — куллет, университетни — дорилфунун деб юритиш каби юзлаб таклифлар амалга татбиқ этилди. Лекин бу тажриба ҳаёт синовидан ўтмади, уларни халқ қабул қилмади. Шундай бўлса-да, жамият ҳаётида, афсуски, салбий асоратларини қолдирди.

Тилга эътибор — элга эътибор

Айрим мисоллар келтирсак. «Олий-гоҳ» сўзи олий ўқув юрти — «институт» ўрнида ҳамон қўлланмоқда. «Олийгоҳ» атамаси сунъий ясалганлиги, ўзбек тили қонун-қоидаларига кўра, «олий» — сифат билан «-гоҳ» — жойни билдирувчи қўшимчадан от ёки атама ҳосил қилинмаслигини олимларимиз матбуотда, илмий анжуманларда кўп марта таъкидлади. Шунда ҳам бу атама муомаладан нега чиқиб кетмапти? Чунки ушбу атама Атамашунослик қўмитаси тасдиқлаб, атамалар лугатига киритган ва шу йўл билан расмийлашган. Расмийлашган хатони тузатиш эса жуда қийин.

Ёки «исми шарифингиз» иборасини олайлик. Бу ибора расмийлашмаган бўлса-да, уни «фамилия» атамаси ўрнида ишлатиш урф бўлди. Бугунда расмий саволномада, ўқув юртилари журналлари ва бошқа ҳужжатларда «исмингиз, шарифингиз» ёки «исми, шарифи» ёзувларида дуч келишга ва уларга мувофиқ иш юритишга мажбур бўлмоқдамиз. «Шариф» сўзини ҳужжатчилигимизда «ота исми» маъносида қўллаш ҳам уриб кетган. Ҳолбуки, бу сўз фамилияни ҳам, ота исми маъносини ҳам билдирмайди. «Исми шарифингиз» ибораси «шарофатли исмингиз» маъносини билдиради. Бу ибора Шарқда суҳбатдошга илтифот кўрсатиш — ҳушмуомалалик таъмили юзасидан қўлланади. «Исм»дан кейинги «-и» — изофа бўлиб, айрим ҳолларда «исму шариф» деб ишлатилаётгани нутқ маданиятимиздаги хуснбузардир. Азиз биродарларимиз фуқаролик паспортларини ибрат назари билан кўздан кечирилган кифоя. Унда «фамилияси, исми, отасининг исми» деб жуда аниқ ва тўғри ёзилган. Биз шундан келиб чиқишимиз ва ҳужжатчилигимизда шунга амал қилишимиз лозим.

Кўп йиллар аввал улуг мутафаккир Баҳовуддин Нақшбанднинг номи тўғри қўлланар эди. Марҳум арабшунос олим Исмаилов Абдуллаев матбуотдаги бир мақоласида мутафаккир номи араб тили қондасига кўра «Баҳовуддин» ёзилиши керак деди-ю, ҳамма ёқда исм шундай ёзиладиган бўлди. Ҳеч ким ўзбек тили орфоэписи ва орфографиясидаги икки унли (оу) ёзма-ён келса, албатта, уларнинг ўртасига бир ундош (в) тушади, деган қоида назар-писанд қилмади. Оқибатда, ҳануз тилимизни табиий талаффуздан тушовлаб, «Баҳовуддин» деб айтмиш ва ёзамиз.

Мана, ўринсиз ислохотлар қандай оқибатларга олиб келишини кўрдик. Демак, тил ислохотлари ҳақида таклиф киритишдан аввал унинг оқибатлари ҳақида жиддий ўйламоғимиз лозим. Амонуллох Мусонинг «Навоий асарлари номи тўғри ўқилиши» («Уз АС», 2018, 8 август сони) сарлавҳали мақоласи менда хавотир уйғотди. Илм-фанимиз қатъий бир тўхтамага келган Навоий асарлари номлари имлосини ўзгартиришга эҳтиёж ва зарурият бормикан? Ушбу муаммо юзасидан илмий ва оммавий матбуотда олимларимиз кўп баҳс-мунозара юритганлар. Мақола муаллифи бундан беҳабар эса, ўша давр матбуоти саҳифаларини варақлаб кўрса, яхши бўларди. Назаримда, Навоий асарлари номларининг 20 томли Мукамал асарлар тўплами ва 10 томли Тўла асарлар тўпламидаги шакли илм-фаннинг сўнги, қатъий ҳулосасига асосланган. Бу шакллар илмий жиҳатдан асарлар мазмунига мувофиқ бўлиши билан бирга, амалиётда қўллаш нуқтаи назаридан ҳам жуда қулай.

► 2

БИЛДИРИШ

2018 йил 10 октябрь кuni соат 15:00да Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмасининг катта мажлислар залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов ижодига бағишланган «Дунёнинг ишлари» номли фотокўргазма ҳамда хотира кечаси ўтказилди. Шоирлар, ўзвчилар, адабиётшунослар ва барча қизиқувчилар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ўзвчилар уюшмаси

ТАҲРИРГА ЗАРУРАТ БОРМИ?

Бошланиши биринчи саҳифада.

Навоий туркий, форсий ва араб тилини, шубҳасиз, мукамал билган. Лекин у форсий ва туркий тиллар бўйича зулласонаин адиб ва шахс бўлган. Унинг болалигида даврада биринчи ёддан айтган шеъри Қосим Анворнинг форсий байтлари бўлгани маълум. Чунки у Ҳиротнинг зулласонаин муҳитида туғилиб ўсган. Туркий ва форсийда барабар тил чиқарган ва умрбод икки тилда сўзлашган.

Бинобарин, Навоий ҳаёти ва ижодида араб тили туркий ҳамда форсийчаллик ўрин тутмаганлиги табиий ҳолдир. Ўз-ўзидан, арабий номга форсий изофа илова қилинган ёки асарлар номларида туркий, форсий, арабий ифодаларнинг уйғунлашиб кетиши ҳам зулласонаинлик муҳитидаги тирик муомала жараёнининг табиий тақозосидир. Навоий давридаги тил муҳитини, жонли сўзлашув жараёнини биз — кейинги авлодлар аниқ тасаввур эта олмаيمиз. Биздан олдинги авлодлар яхшироқ тасаввур қилганлар. Чунки улар туғилиб ўсган муҳитда зулласонаинлик ҳозиргидан кўра тирокроқ бўлган. Навоий ғазалларининг форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржима китобига сўзбосида адабиётшунос олим Лутфулло Зоҳидов ХХ аср бошларида Тошкент шаҳрида форс-тожик тилини билмайдиган одам йўқ эди, деб ёзган. Бироқ шўро ҳукуматининг миллий сиёсати таъсирида секин-аста зулласонаинлик деярли барҳам топди.

Эндиликда эса ўзбек адабий тилида сақланиб қолган форс-тожикча сўз-ибора-лар маъносини билмаслик уларни нотўғри қўллаш, нуқсонли талаффуз этиш ва ёзишга олиб келаётди.

Иззат Султоннинг "Муқаддима" романида Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва савдогар Хожа Имоод ўртасидаги суҳбатда зулласонаинлик муҳити ғоят ажойиб тасвирланган. Суҳбат чоғида мусоҳибабар бир тилдан бошқасига бемалол ўтиб-қайтаверганлар. Тил унсурлари ҳам расмийчиликдан холи равишда бир тилга эмас, икки-уч тилга мувофиқлашиб кетаверган. Асосий мақсад фикр, мазмун ифодаси, ўзаро бир-бирини тушуниш бўлган.

Амонуллох Мусонинг "Фусули арбаа" номининг "Фусулун арбаа (тун)" деб ўқилиши араб тили қоида-сига тўғри келади, "Сабаъи сайёр" асарининг номи "Сабаъу сайёра(тин)" бўлсагина, арабча санок ва саналими қоида-сини қониқтиради" каби тақлифлари тараққиётга хизмат қилмайди. Биз тилимизни сунъий равишда қай-ириб, арабча талаффуз қилишга мажбур этмаслигимиз лозим. Тил ва имлода содда мураккаблаштириш эмас, аксинча, мураккабни соддалаштириш йўлидан борганимиз маъқул. Ўтган асрнинг 60–70-йилларидаги тилшунослигимизнинг нуқтани назари шундай бўлган. Шундан келиб чиқиб, 1976 йилда "Фан" нашриётида чоп этилган "Ўзбек тилининг имло луга-

ти"да "матлаъ", "мақтаъ", "тарсеъ", "ружуъ" каби арабий сўзлар ҳам саводхонлик, ҳам талаффуз қулайлигини кўзлаб айланиш белгисиз берилган. Луғат тузувчилари бўлмиш муаллифлар сўз шаклларини соддалаштириш, ўзбек тили орфоэпияси ва орфографиясига мослаштириш орқали саводхонлиқни кучайтиришни кўзлаганлар ва бунга эришилган ҳам. Афсуски, кейинги вақтда бу принципдан ҳам чекинилди. Оқибатда, бундай таркибдаги юзлаб сўзларнинг талаффузи мураккаблашди, ёзувда, сўзда битта белги қўпайиб, саводхонликка салбий таъсир этмоқда. Имлода ҳар хилликлар қўпайиб кетди. Бу аҳволда имловий саводхонлиқни мукамал сақлаш имконсиз.

Хуллас, Алишер Навоий асарлари номини араб тили қоидаларига қийсан тахрирдан ўтказишга эҳтиёж ва зарурят йўқ. Аксинча, биз тил ва нуқта маданиятимизнинг барқарорлигига раҳна соладиган тақлифларга ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоғимиз лозим. Назаримда, умумхалқ саводхонлигига эришишнинг бир-бири йўли — мукамал имло қоидаларига асосланган ва ҳукумат томонидан тасдиқланган ягона имло лугатини яратиш, чоп этириш ва татбиқ этишдан иборат.

Нусратулло ЖУМАҲЎЖА,
филология фанлари доктори

ЯШНАЁТГАН ТАРИХИЙ МАСКАН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Жомнинг ўз қалъаси ҳам бўлган. Уни биз кўрган деймиз. Унинг ён атрофи сув билан ўраллиб, у юз гектар ер ўзлаштирилган, деҳқончилик қилинган. Тошкентдан чиққан савдогарлар ҳам, Қобул ёки Бухородан Самарқандга йўл олган тижоратчилар ҳам шу масканда тўхталиб, уч кун давомида текширув ҳамда тиббий муолажалардан ўтказилган. Агар уч кун ичида улардан касаллик топиломас, йўлни давом эттиришга рўхсат берилган.

Эштурди аканинг ўзи яшаб турган гўшаси ҳақида бой маълумотга эгалик, яна тарихий саналарни аниқ айтиб бераётган, ажодлари тарихидан гуру туяётганидан беихтиёр завқлана бошладим. Бу кеска инсоннинг ўтмиш воқеалари баёнида бутунги кунларнинг қадрига етишга, юртсеварлик ва ватанпарварликка даъват муҳассаб эди.

Бугунги Жом — ҳаётнинг энг қайноқ нуқтасига айланди. Бу қадим қишлоқ бутунлай янги ҳаёт, янги ҳаёт тарзи кириб келаяпти, дегани.

Эштурди ака билан қишлоқни айланимиз. Кўёши чарақлаб турган бепеён ва тиниқ осмоннинг ҳар ерида оппоқ булутлар кезиб юрибди. Жом қишлоғининг пасту баланд худуди, у ердаги уйлар худди қафтда тургандек кўринди. Аҳойиб ва бетакор манзара.

Атрофга узокроқ тикилиб қолганимни кўрган Эштурди ака:

— Бизда кўкманнинг умри қисқа. Қўраясизми, дов-дарактлар ҳам санокли. Шу пайтгача одамларнинг ҳовлисида ҳам деярли экин экилмай келган. Ер тошлоқ, сув танқис. Шунинг учун бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, туб аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳомий ташкилотлар томонидан 257 та иссиқхона қуриб берилди. Аҳоли хонадонларига лимон, олма ва бошқа кўчат нихоллари тарқатилди.

Жорий йил мамлакатимизда катта ўзгаришлар, бунёдкорликлар, энг муҳими, меҳнат заҳи, одамлар қувончига, шукроналикларга тўла йўл бўлди. "Обод қишлоқ" дастурига қиритилган Жом қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Гирдикўрғон, Жом қишлоқларида юздан ортқ қорхона ва ташкилотнинг ишчи-ходимлари, кўнгилли ёшлар, қишлоқ аҳли 150 дан зиёд техника воситасида ишларни бошлаб юборди.

— Дастурни амалга оширишга қиритилган кундан бошлаб, маҳалла фуқаролар йиғини биносидан шабда мўкин ишляпмиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг раиси Махмуд Бобоёров. — Президентимиз таъкидлаётганларидек, халқимиз келажақда эмас, бугундан бахтли яшай бошлаши керак. Шу боис ишни ташкил этишни Жом қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 2700 дан ортқ хонадонга кириб, аҳолини қизқитиётган масалалар, мавжуд муаммоларни ўрганишдан бошладик. Самимий суҳбат, мулоқотлар давомида аниқланган масалаларнинг аксарияти тегишли соҳа мутасаддилари томонидан жойида ҳал этилди. Жумладан, олтига маҳалланинг ҳар бирдан 10 кишидан, жами 60 нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб қилинди.

"Обод қишлоқ" дастурининг Жомдаги қурилишлари лойиҳаси муаллифларидан бири, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Норкул Содиков шундай дейди:

— Дастурга кўра, биринчи босқичда Жом ва Гирдикўрғон маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти, 60 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 350 ўринли амфитеатр, хотира майдони ва қишлоқ тарихи музейи, юқори Омондара маҳалласида ҳам 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳамда 24 та ҳам таъминланган оилага имтиёзли уй қуриб топширилади. Қишлоқлардаги барча хонадонлар рўйхатдан ўтказилиб, уй эгаларига кадастр ҳужжатлари берилди. Уларга уй-жойларини замон талаблари даражасида таъмирлаш учун лойиҳалар тақдим этилди. Бу ишга имконияти етмайдиган оилаларга вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, бир қатор бошқарма ва идоралар, тадбиркорлар ҳомийлик ёрдами кўрсатди. 200 дан ортқ оилага қўш пилтиси ва бошқа уй-ўзғор буюмлари совға қилинди. Эҳтиёжманд ўшдан ортқ оила учун яна замонавий уй-жой қуриб берилди. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида иккита артезиан қудуғи қазилиб, сув миноралари ўрнатилди. Мавжуд сув тармоқлари таъмирланиб, 500 метр масофага янги қувур ётқизилди.

Сув омборининг иккинчи босқичи ҳам қурилган, унда 2 млн. куб сув жамланади. Шундан кейин бу ерда томчилатиб сугориладиган боғларни барпо этиш масаласи кун тартибига чиқади. Шу қишлоқдан Шўртан-Сирдарё газ қувири ўтган. Агар шундан бир нуқта олинса, ишлаб чиқариш, қўлаб иш ўрни яратилишига ҳам имконият туғилади. Жомдан Тепакулгача бўлган тоғли худудларда цемент ишлаб чиқариш, пишқ гишт тайёрлаш учун битмас-туганмас манба бор. Бу юқори қувватли заводлар дегани эмасми? Йўлларимизни созлаш, асфальт қилиш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўраяпмиз. Насиб бўлса, 3-4 йил ичида Жом замонавий шаҳарчага айланади.

Ватанимизнинг чекка қишлоғи тараққиётга ҳиссамизни қўшамиз, деган ниятда Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши даъвати билан ётақчилар ва меҳнатга ҳайрихоҳлар жипс-лашди. Бу оммавий ҳаракатда, айниқса, жомлик ёшлар фаол бўлишмоқда.

Бугун Жом қишлоғида юртдошларимиз иштирокита янги ва фаровон ҳаёт, ўзига хос шаҳарчага асос солинаяпти. Гуриллаб ишлаётган техникалар, аزمи қатъий ҳашарчилар тиклаётган йўллар ва иншоотлар, хонадонларда ўзгача кўрк кўзга ташланиб қолди.

Самарқанд вилоятидаги Жом қишлоғида Нуробод тумани аҳолисининг 15 фоизи истикомат қилади. Агар аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари таъмирига доир статистик маълумотларга эътибор қаратсак, бунга яна бир бор амин бўламиз. 663 та уй-жойнинг беш юздан зиёди таъмирдан чиқарилди, атрофи тўсиқ девор билан ўралди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилатган 75 та уй-жойнинг 25 таси Республика Қасаба уюшмалари кенгаши томонидан молиялаштирилиб, ҳам таъминланган оилаларга бепул ажратилди. Мазкур объектларда қурилиш ишлари 80-85 фоизга бажарилди.

Ҳа, бугун Жомнинг қиёфаси буткул янгиланмоқда. Обод бўлаётган қишлоқдаги йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида узунлиги 16 метр бўлган янги кўприк фойдаланишга топширилди.

Мана, фараҳбахш кўзининг иккинчи ойи ҳам бошланди. Аммо жомликларнинг аҳди қатъий: кўзланган мақсад, белгиланган режаларини амалга ошириш, юртимизнинг бир чеккасидаги қишлоқда ҳаёт учун қулай шарт-шароит яратиш, одамлар учун кўркам қошоналар барпо этиш. Бу хайрли мақсад эса уларга ғайрат ва куч бағишлаши шубҳасиз.

Тошпўлат ЎРХУН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир



Хашарчилар ҳузурида

Кузнинг сокин оғушида еру кўк қуёш нафасидан тўйиниб тиниқлашган. Кенглик шовури нурдай қўйилади. Дарахт шоҳларига илашиб йилтираётган мезон иплари салқин елда изсиз тўлғонади. Табиатнинг сирли ва унсиз навоси юракни энтиқтиради. Беихтиёр кирғойи қилинг келади. Хашарчилар ҳузурига шошяпмиз. Биз Миришкор туманидаги "Меҳнат-роҳат" деб номланган масканга етиб келганимизда қуёш ётоғига қўнган, тун қора чодирини ёйган эди. Аммо бу чодирлар шаҳарчаси эртақлардаги тилсимли кўрғон каби чироқ нурларидан чирой очган. Димоққа райхон хиди урилди. Дарахтларнинг салқин шабадалан эринчоқлик билан елпиниши кўнгилни ёритади. Хашарчиларнинг енгил кулгу, қийқириқлари ҳавога ўрлайди. Уларнинг чеҳрасида мамнулик, бахтиёрлик акс этган. Сувда юзгани чийиб, сочққа артинаётган аёлнинг ён тарафидан турган маҳалладошига:

— Ўргилай, бугун юз эллик қилдодан ошди. Бу бир юз қирқ икки минг сўм дегани. Қачон пахтакорнинг меҳнати бу даражада ёзозланган. Бурунлари ўмганинг узилиб пахта терганинда ҳам берганига қафтинг тўлмасди, — дея очилиб, миннатдорлик туйғуси кўзларида чарақлади.

— Меҳнат қатланган қайда инсон қадр топади, — дарров тилга кирди ҳамроҳи. — Биров далага чиқ демасаям одамлар ўзлари юрак амри билан этак боглашди-ку!

— Таоми текин бўлса, бир кило терилган пахта нархи 950 сўм. Яна нима

Бошланиши биринчи саҳифада.

Собиқ шўро тарғибот-ташвиқот воситалари машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг: "Ҳар қандай улкан бойлик тағида катта бир жиноят ётади", деган фикрини бот-бот мантикий далил сифатида келтирар эди. Ўша даврда бу гап шунчаки кўп такрорланмас, балки йўқсиллар мамлакатиде олиб борилаётган сиёсатни оқлаш, "совет кишини"ни тарбиялаш, "совет жамияти" деб номланган ижтимоий-сиёсий тизимни шакллантириш мақсадида ишлатилар эди. Бу — камбағаллар тузуми, қашшоқлар мамлакат ва зулмага асосланган авторитар давлат эди.

Камбағални бой қилиш ўрнига, уларнинг бойларга ғазоби қўзғатилар, одамларнинг қўлига қармоқ бериб, турмушини яхшилашга ундаш ўрнига, уларда бутун капиталистик дунёга нисбатан салбий қарашлар уйғотилар эди. Камбағалга эса, қорни тўқми-очми, қармоқни эмас, балиқни бериб қаноатли бўлиш тарғиб қилинарди, холос. Оғир ҳаёт кечираётган камба-

ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ

ғал, қашшоқ одам балиққа ҳам хурсанд бўларди. Ахир, йўқдан кўра, бу ҳам яхши-да. Мўҳими, у кўзи очик фуқаро каби ҳаққини талаб қилмай, юқоридан нима дейилса, шунга итоаткорона бўйсунарди. Давлатга ҳам шу керак эди ва маълум маънода ўша даврда шунга эришилди ҳам. Бундай ҳолат эса тинчлик, осойишталик, барқарорлик дея таърифланди. Хўш, бу нимага олиб келди?!

Шўро сиёсати ҳаётнинг объектив тараққиёт қонуларини, инсон табиятини ҳисобга олмайди, дин инкор этилган ҳаёлий режалар асосидаги давлат қуришга ўтилди. 70 йил ўтар-ўтмай бу режалардан воз кечилди...

Хуллас, кенг кўламда йўл қўйилган ана шундай тарихий ҳатолар бизни бугунги кунга олиб келди. Бошқариш тизимлари халқ эҳтиёжини қондира олмай қолди. Ўтиш даврида саноклигина одамлар роҳат-фароғатда яшайди. Лекин ўша пайтдаги тадбиркорларнинг бир хислати, барибир, ўрганишга арзийди, деб ўйлайман. Мўҳими, улар ишга, ҳаётга бўлган муносабати билан ўтиш даврининг мураккаб шароитида ҳам юқори натижаларга эришиш, катта бойлик орттириш мумкинлигини исботладилар. Йирик тадбиркор ва бизнесменлар дунёни ўзгартира оладиган қудратли инсонлар қаторидан ўрин эгаллаган шахсларга айланмишди.

Шу ўринда чинакам тадбиркор, бизнесменларга хос бир жиҳатни таъкидлашни истардим: ҳар бир одамнинг Аллоҳ берган ва фақат ўзига хос ташқи қўриниши, юз тўзилиши, овози, бармоқ излари, феъл-атворига қанчалик ўзига хос бўлса, ишбилармон, бизнесменларнинг ҳам иш услуби, урф-одати, тажрибаси ҳам шунчалик ноёб, индивидуал ва тақдорланмас. Лекин улар учун умумий бўлган хислатлар ҳам борки, бу хислатларни билиш, ўрганиш фойдадан холи эмас. Аввало, бутунлай уйғоқ фикр, янгиликка жон-жаҳди билан интилиш, ихтиролар, янгиликлар яратишга қучли иштиёқ, ишидан қониқмаслик, уни тақомиллаштиришга уриниш, дунё тараққиётидаги эврилишларни кузатиб бориш, унда ўзининг ўрнини топиш, эгаллаш ва топганини аниқ, сўнгги тийингача ҳисоб-китоб қилишдир.

Тўғри, енгил-елпи йўл билан, жиноятга қўл уриб бойлик орттирганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ҳозир гап бу ҳақидамас.

Мавзуимиз жаҳонга машҳур ишбилармон, тадбиркор, бизнесмен, бир неча ўн йиллар мобайнида номи Америкада чоп этиладиган "Форбес" журнали саҳифаларида тушмай келаётган ватандошимиз, россиядаги "USM (Усмонов) Holdings" компанияси асосчиси Алишер Бурҳонович Усмоновга бағишланган.

Шу ўринда беихтиёр тагин ақин ўтмиш ҳаёлга келади. Ахир, биз кунга кеча айримларга бойлик улашиб, бутун халқни йўқсил тоифага ажратган тизимда тарбия топдик-ку. Одоб-ахлоқ принципларимиз ҳам бу масалада бугунгидан мутлақо бошқача эди-ку. Шу сабабдан, бойни макташ, умуман, маъқул ишми, бу адолатдандими? Ёки ўз обрў-этибори, иззатини ўйлайдиган ижодкор учун бу ҳолислик, ҳақиқатгўйлик принципларини бузиб, ўз қадр-қимматини унуттишми? Ёки бунинг бошқа бир жиддий сабаблари борми?

... Ишончим комилки, бугун биз фақат пулдорлар қўлига қараб қолмайдиган, бутун жамият фаол меҳнат қилиб, олимлар кашфиётлар қилиб, муҳандислар илгор технологиялар яратиб, шоир ва ёзувчилар эҳти-

росларга тўла ўлмас сатрлар битадиган, ҳар бир меҳнаткаш яхши ишлаб, меҳнатига муносиб ҳақ оладиган кунларга ҳам етиб келдик. Бу жаҳда ишбилармонлар, тадбиркорларнинг хизмати алоҳида.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, ишбилармон, тадбиркор, бизнесменлар ўзи қилмар? Улар осмондан тушмаган, орамиздан чиққан бизга ўхшаган инсонлар, ишчи, меҳнатчи, фермер, деҳқон, олимлар эмасми? Фақат улар ҳар бир ишини ақл тарозусида роса ўлчаб кўрадиган, ютук ва камчиликларини синчиклаб ўрганадиган, келажакни пухта режалаштириб, ҳисоб-китоб қилиб, албатта, катта даромад кўрадиган, бир сўз билан айтганда, юқори самара билан фаолият юритадиган шахслар эмасми?

Бугун бундай юксак натижаларга орамиздан чиққан саноклигина йирик ишбилармон, тадбиркор ва бизнесменлар эришмоқда. Ахир, ишга, меҳнат самарадорлигига бўлган муносабат ҳаммада ҳам худди шундай ёки шунга яқин бўлиши керак эмасми? Бугунги ҳатти-ҳаракатларимиз ана шундай улкан ютук-

ларга олиб келишига ишонинг келади. Ахир, сўнгги икки йил ичида бунинг куртаклари кўзга яққол ташлана бошлади-ку.

Бугун йирик тадбиркор, ҳисоб-китобли бизнесменларнинг меҳнат тажрибасини, иш услуби ва маҳоратини ўрганишга эҳтиёж низоҳатда катта. 2018 йил 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: "Хорижий давлатларда муваффақиятли ишлаб юрган юқори малакали олим, врачлар, салоҳиятли инвесторларни юртимизга таклиф этиб, ўз билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақи йўлида ишлатиш учун барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. Келинлар Ўзбекистонга, бирга ишлайлик!", дея даъват қилди. Бу мўл ҳосил берадиган қараб ётган ерларга оби-ҳаёт кела бошлашидан — ақин келажакда жамиятда бўй кўрсатадиган жиддий ўзгаришлардан дарак беради.

Алишер Усмонов бундай кунлар келишини ҳаёлга ҳам келтирмаган эди. Айтиш жоизки, киндик қони тўқилган, ота-онасининг хоки мангу қарор топган замин ҳар бир инсон учун муқаддасдир. Алишер Усмонов тақдирда бу ҳикмат ўзининг аниқ ифодасини топган: у шу заминда туғилиб ўсган, таълим олган, кейин, тақдир экан, қамалган, жабр кўрган, озодликка чиққан, оқланган, оила қурган. Кейин ўқиган, давлат ва хусусий қорхоналарда меҳнат қилган, ишчи, таржимон, оддий ходим бўлиб ишлаган. Ишбилармонлик, тадбиркорлик билан шуғулланган. Омади юришиб, каттадан-катта даромад, фойда, сармояларга эга бўлган. Американинг Блумберг нашриёти 2012 йилнинг март ойида Алишер Усмоновни Россиянинг энг бадавлат кишини, деб эълон қилди. 2016 йили у Швейцариянинг ўн нафар энг бой фуқароси сафида эътироф этилди. Буюк Британиянинг "The Sunday Times" газетаси ўтказган сўровномада эса Усмонов 2011 йили Англиянинг 5 нафар энг саҳий ҳомийлари қаторида санаб ўтилди. Хуллас, бугунги кунга келиб, Алишер Усмонов дунёдаги энг бой, энг тажрибали тадбиркор ва қудратли бизнесменлар қаторидан ўрин эгаллади. У қачон, қаерда бўлмасин она юртини, юртдошларини ёддан чиқармади ва, мана, 40 йилдан кейин она-Ватани уни яна бағрига босди.

2018 йил 29 август куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Алишер Усмоновга Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — "Эл-урт ҳурмати" орденини топширди. Бу юксак мукофотга у Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш, диёримизда йирик инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган улкан ҳиссаси, халқимизнинг миллий қадрияти ва бой тарихий ёдгориқларини қайта тиклаш, асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистонда диний-маданий аҳамиятга молик объектларни барпо этишдаги фаол иштироки, ёшларга ибрат бўлгули Ватанига самимий муҳаббати ҳамда республикамизда туризм салоҳиятини ва спорт соҳасини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги учун сазовор бўлди.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

(Давоми бор.)

Хирмонга барака

керак. Худога шукр, унча-бунча ишлаб пул топсам келинчага сеплик йўғаман. Топганимиз яхши кунга ярасин.

Уларнинг шукроналигидан яйрайсан, бир оташ туйғу томирларингни қиздиради. Ҳали бирон ҳашарчинни гапга тутмай турганимизда, очик майдонча тарафдан микрофондан овоз жаранглайди:

— Азиз хашарчилар, бугун шаҳарчамизга вилоятимизнинг таниқли шоирлари, санъаткорлари ташриф буюришган. Барчангизни файзли учрашувга таклиф этамиз.

Биз унга қадар биринчи чодирдаги хашарчилар ҳузурида бўлиб, улар билан яқин қариндошдай суҳбат қуришга тушдик. Тўғриси, шу ердаям китобхонликдан сўз очилди. Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" фонди томонидан чоп этилган янги асарлардан намуналар улашдик. Уларнинг китобга қанқоқитидан кўнгиллар янада равшан тортиди. Халқимиз китобсевар, мутлоани хуш кўради. Четроқда камсукумгина опа:

— Кечирасизлар, инглизча китобларингиздан йўқми? Қизим инглизчани яхши билади, — деди.

Шунда Ойбекнинг инглиз тилига ўтирилган "Навоий" романини опанинг қўлига тутқазганимизда кўзлари чарақлаб кетди.

— Қизимга совға қилсам бўладими? — Албатта! — Катта раҳмат. Қизимни хурсанд қиладиган бўлдим. Шоир у ёзувчиларимиз

зўр-зўр китоблар ёзсин. Онам саксонки қоралаб қолса-да, ёстиғини остида китоб туралди. "Гўрўғли"ни кўп ўқийди. Суҳбат кўр олди. Аммо микрофон бизни даврага қорлаб қолди. Шошилдик. Бир зумда даврага жон кирди. Атрофда очик жой йўқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилованинг овози янгради. Қўшиқ қўшиққа уланди. Раққосаларнинг товус мисол хирмони дилларни яйратди. Ана энди хашарчилар ҳам майдонни тўлдириб рақсга тушганини айтнинг. Шўх кулгулар, қийқириқлар, жарангдор кўтловлар кўнгилларга шавқ бағишлади. Шоирлар ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган шеърларини ёд айтишди. Бўлимиз томонидан теримчиларнинг уч гуруҳи сардорларига китоблар жамланмаси совға қилинди. Энг яхши теримчилардан Раҳима Отабоева, Феруза Раҳимова, Соҳиба Аллаева, Санобар Ҳалимова, Ханифа Рўзиева, Танзила Ниёзовага вайиёт ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Ҳаммамнинг чеҳрасидаги бахтиёрлик файзли оқшом — ижод кечасига чексиз тароват ва нафосат улашди.

Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Қаҳқадарё вилоят бўлими раҳбари

Адабий жараён: муаммолар ва мулоҳазалар

1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Сизнингча, қай бири ҳақ ва нега?

2. Ҳозирги адабий жараёнда қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу муаммони бартараф этишининг қандай самарали йўлини кўрсата оласиз?

3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан кимларнинг китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан кўнглингиз тўлмади? Бунинг сабаблари нимада?

Мазкур анкета ёрдамида бугунги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, “Кенгашли тўй — тарқамас”, деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

МУАЛЛИФ ТИЙНАТИ ЎЗГАРМАГУНИЧА...

1. Хар бир миллий адабиёт муайян имконият доирасида, ўзига хос шароитда кечаётган бардавом жараён ҳисобланади. У юксалишининг қайси палласи ёки босқичида турганини аниқлашга уриниш фикр-мулоҳазалар “муҳораба”сини авж олдирди, фақат ҳамма гап — ана шу бахсдан жўяли, оқилона хулоса чиқара олишда!

Ҳозирги адабий жараён устидан дабдурустан ҳукм чиқариш осон эмас, тўғри ҳам эмас. Унинг паст-баландини ҳолислик ва бағрикенглик билан кузатиб баҳолаш жиддий тадқиқотни тақозо этади. Униси — ўпоқ, буниси — сўпоқ, дея сўзни мухтасар қилишдан осони йўқ.

Енгил-елги асарлар учиб кетяпти, дея нолимаган одам қолмади ҳисоб. Лекин шундай таъна-дашномга лойиқ бирорта (!) роман, қисса ёки чимдим ҳикоя атрофлича таҳлил қилиниб, матбуотда чоп этилдики? Адабиётшунослар, китобхонлар муҳокамасига тортилдики? Озод Шарафиддинов, Матёкуб Қўшоновларнинг очик хатларини эслайлик. Қани ўшандай қуёнчаклик билан ёзилган танқидий-таҳлилий мактублар? Ёзиш у ёқда турсин, очиги, фалон бўлмағур китобни тоқат қилиб ўқиб чиқдим, деган мардни учратмадик. Урни келганда айтмай, миллий бадиий тафаккуримизнинг бош минбари ҳисобланган газетамиз буюртма (хатто танлов) йўли билан ана шундай мактуб-мақола, муножаат-мақола ёзилишига бош-қош бўлиши мумкин-ку! Ур калтак — сур калтак эмас, адабиётга, муаллифга чин эътибор маъносидagi асл танқид назарда тутилмоқда.

Қайси хорижий давлатга бормайлик, китоб дўхонларини айланамиз, кутубхоналарга киримиз. Ишонинг, ўн жавон тўла ҳазми енгил саргузашт-детектив, жангари, ўлдим-қўйдим қабилидаги қўлма-қўл бўлиб ўқилганидан, жилду варақлари титилиб кетган китоблар бўлса, бир ёки икки жавонда жаҳон адабиётининг сара намуналари “Бизни истар кўнглилар ҳам бордир”, деб кўзлари тўрт бўлиб, интизор кутиб туради. Нима демоқчиман? Муаллифининг бадиий диди, адабий тажрибаси, маҳорати — алоҳида муаммо, бироқ ҳақиқий аҳвол — янада чуқур, мураккаб. Хуллас, муаммонинг асл моҳияти давр ва замон эврилишларида биқиниб ётибди. Шундай эврилишлар асоратлари инсон тафаккури, фароғати, руҳиятини ўз димига тортаётир!

Йигирма биринчи юз йилликка берилган “ахборот асри”, “интеллектуал аср” таърифлари қаторига “беҳаловат аср” таърифи ҳам қўшилса хато бўлмайди, деб ўйлайман. Дунёни тобора ишғол этаётган беҳаловат,

бесаранжом турмуш тарзи, кайфияти жиддий, тоши оғир бадиий тафаккур намуналарига қизиқишни четга суриб ташламоқда. Шундоқ ҳам, юксак савияли асарлар азалдан умумий салмокнинг озгина қисмини ташкил этган. Ҳозирда эса бу нисбат янада катталашиб бораётгани ташвишли ҳолдир.

Давр ва замон тўлғонлиқларидан қатъи назар, бадиий асарни баҳолаш бадиий дидга, китобхонлик малакасига, ҳаётий тажрибага боғлиқ. Бинобарин, ким қандай асардан завқ-шавқ олади — ихтиёр ўзида. Аммо қувонарли бир жиҳати бор: замонавий адабиёт бозориди (у, асосан, оммабоп китоблар эвазига кун кўраётганига қарамай) ҳар қандай табақадagi, тоифадаги китобхон дидига мос асар ва китоб топилади.

2. Муаммо — кўп. Мухимини айтмай: салмокли, залворли ўзбекона роман ўқигиси келади одамнинг! Толстой, Достоевский, Жойс, Манн, Вульф, Оруэлл, Маркес, Кодрийдан мерос қолган романлар бор-ку, ана ўшаларга ўхшаш, ўшалар савиясидаги романи назарда тутялман. Бироқ шу ўринда қайси савол туғилади: ҳали ўзи шахс ва адиб сифатида тўлиқ шаклланмаган муаллиф қандай қилиб салмокли, залворли асар яратсин? Қандай қилиб ҳаваскорлик “томорқа”сини тарқ этиб, осмон бўйлаб парвозга шайлансин? Фақуллода истеъдод туғилса-ку, бош устига, лекин туғилмаса-чи?

Истеъдод эгасини тарбиялаш, вояга етказиш, хатто **ясаш** керамикан дейман-да! Ҳамонки, миллий адабиётимизнинг янгила-ниши, салмокли асарлар яратилишини истаётган эканмиз, аввало, муаллифлар салоҳи-яти ҳақида қайғуриш зарур эмасми?! Муаллифларнинг шахс ва адиб сифатидаги мен-талитети (тийнати) ўзгартирмай туриб, адабиётимиз менталитетини ўзгартириб бўлмайдиганга ўхшайди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Ёзувчилар уюш-мамизга эътибор шу қадар қуяйган бир вақтда турфа мавзуларда мунтазам давра суҳбат-лари, баҳс-мунозаралар ташкил этилиши мақ-садга мувофиқ; бадиий тафаккур, бадиий дид, бадиий асар поэтикаси, тимсол, услуб, ада-бий таъсир, бадиий тасвирда тажриба ва из-ланишлар, таржима маҳорати, тасаввуф, ми-фология, миллий ва жаҳон мукаси, тасви-рий санъат, кино, театр, шунингдек, тарих, жуғрофия, фалсафа, мантик, психология, со-циология, математика, жамият ва давлат, шахс ва жамият, глобаллашув, бошқарув ва ўзаро муносабат маданияти, тарих ва адаби-ёт, ҳужжат ва адабиёт, диний эътиқод ва ба-

диий адабиёт, маслак ва кенгфёллиқ муам-молари... Ғалати туюлмасин, талотўп дунёни, серғалва замонни, ғоят мураккаблашиб бо-раётган инсон руҳиятини фавқуллода ракурс-ларда теран идрок этиш ва бадиий гавдалан-тириш сари илк қадамлар қўйилса ажабмас шундай ўқув машғулотлари орқали! Ушбу ма-шғулотларда илгари сурилажак ғоя, тақлиф, тавсиялар матбуотда мумкин қадар тўла ва эркин оммалаштирилмоғи, барча тоифадаги қалам аҳли ва, албатта, китоб ихлосмандла-ри эътиборига ҳавола қилинмоғи, шу тариқа муаллиф тарбияси китобхон тарбиясига во-баста бўлиб кетмоғи зарур. Бир тақлифни ўртага ташлаш мавриди келди: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мамлакатимиз адабиётининг бош наشري, минбари сифати-да республикамизда кечаётган ислохотлар руҳига мос равишда янгиланса, ўз номига яраша олий орзу, олий маслак йўлида қам-ровни кенгрок олса, бу эзгу ният амалга оши-ришда барча-барчамиз баҳолиқудрат хизмати-мизни аямасак, айна мудоао бўлур эди.

3. Бир қаламкаш сифатида Эркин Аъзам, Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон асарларидан тасвир тиниқлиги, ру-ҳий таҳлил йўсини, рамзалар силсиласи, ус-лублар қоришқилгини ўрганишга ҳаракат қиламан. Афсуски, чоп этилаётган барча асарларни ўқишга улгурмиш қийин. Алишер Мирзонинг “Каллаҳоналик йигитча”, “Мусав-вир”, Ҳабибулло Олимжоновнинг “Журна-лист”, Баҳодир Умрзоқовнинг “Ойжамол” ро-манлари ҳазилкам асарлар эмас. XX аср инсоният бошига солган машаққатлар, из-тироб фожияларнинг бадиий кўзгуи улар. Абдусамид Қўчимовнинг “Баҳор” ва “Сайлан-ма”сида кирган бадиалар салимийяти, ўзбе-кона беғуборлиги билан манзур бўлди. Та-ниқли шoirимиз Азим Суюн наср майдони-га “қилич ялонғочлаб тушиш”га шай турга-нидан кўпчилик беҳабар. “Тиллабурамашох” қиссаси. Қизик ва нодир кузатишлар. Назар Эшонкулнинг “Мендан “мен”гача”си — ма-роқли янгилик!

Қашқадарёлик Олмалик Дайнов 70 ёшида илк китобини чоп эттирди — “Ўқиган қалла”. Жайдар, лекин тағдор кишлоқ юмюридан баҳ-ра олишни истаганлар, марҳамат, ўқисинлар. Кўп ва ҳўб ёзиш “мошина”сини яратган Нурид-дин Исмоилов, Азамат Қоржовнинг тиним билмаслиги, ёзганда ҳам теша тегмаган сю-жет, лавҳа — интригаларни топа олиши бе-сар кетмайди, деган умиддаман.

Хуришд ДўСТМУҲАММАД

КЎНГИЛ МАВЖЛАРИ

Ҳар бир миллий шеърятнинг бойлиги тоғ-тоғ китоблар билан эмас, балки бир-бирига ўхшамаган шеърый овоз ва услуб соҳибларининг кўнлиги билан белгиланади.

Шеърый овози ва ижодий услубининг ўзига хослиги билангина эмас, балки по-этик сўзнинг турфа ранглари ва жило-ларини тинмай кашф этиб келаётган Тур-сун Али бошқа шоирларга мутлақо ўхшамаган ижодкорлардан бири. Турсун Алининг тенгдошларидан ҳам, устозла-ридан ҳам фаркли томонидан шундаки, у сўз ва товуш ёрдамида ўзининг ҳам, тоғу тошларнинг ҳам, дов-дарахтлару майса-ларининг ҳам, баҳор ёмғириро тонгги су-кунатнинг ҳам суратини чиза олади. У шу фазилати билан кўпроқ рассомлар-га руҳан яқин ижодкордир.

Ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ ит-тифокда янги шабадалар эса бошлади. Чех, поляк, Болтиқбўйи шоирларининг қандайдир нотаниш, аммо хурият нафаси уфурган тароналари шўро мамлакатини сарҳадларидан ўтиб, ўзбек диёрига ҳам кириб келди. Хитой мумтоз шоирларининг бир-бирига уйғун бўлма-ган, аммо нозик туйғулар чаппор урган сатрлари Навоий ва Бобур авлодларининг ҳам дил торларини тебратиб юборди. Шундай шеърларнинг бирида баҳор ке-часи бундай тасвирланган:

Майсалар ифтор таратади,
Гала-гала учадир будутлар.
Кунботар олдидан бир қайғу...
Оҳ, баҳор!
Бор эди бир қалаҳ май,
Бор эди енгил қайиқча,
Бор эди отнинг қишнани...
...Оҳ, бир назар ташласанг-чи, азизим,
Ҳовлимиз пушти рангга қопти бурканиб.

(Турсун Али таржимаси.)

Бу биз, ўзбеклар, учун янги шеърят эди. Унда шўро даври шеърятининг фа-қат қуёш, байроқ, Ленин, коммунизм син-гари тинимсиз-қўзлари, хатто “баҳор” ка-лимаси ҳам йўқ эди. Аммо шу оддий сўзлар бўёғи билан чизилган манзара-дан баҳор нафаси анқиб турарди. Тур-сун Али шундай шеърларни ўқиб, улар-дан сархуш бўла бошлади. Танқидчилар дастлаб ёш шоирда бу ижодий касал-лиқнинг тез кунларда ўтиб кетишига умид қилдилар. Лекин шоирнинг иккин-чи ва учинчи тўпнамлари ҳам шу руҳда-ги шеърлардан таркиб топганлиги учун ундан мутлақо умид уздилар.

Чиндан ҳам, ота-боболаримиз ёзганла-ридек, бирор фикрни ёки табиат манза-расини кўрга ҳассаддай тушунарли қилиб тасвирлаш мумкин-ку, ахир! Бири богдан, бири тоғдан келган сатрларни қачонгача шеър деб қалққа тақдим этамиз?! Ажабо, қорнинг қизил, сарик, қора турлари ҳам бўладими?! Сукунат қўшиғини эшитган одам борми?!

Агар шундай фикрлайдиган бўлсак, ан-тик давр генийларидан кейин Шекспир-лар, Навоийлар, Ҳётелар, Толстойлар, Маркеслар дунёга келмаган, инсоният-нинг бадиий тафаккури янги-янги уфқлар-ни забт этиб, камолот чўққиларига кўта-рилмаган бўларди.

Турсун Али танлаган йўлида қатъий ту-риб, ҳар бир тўплами билан модерн ше-ърятнинг ҳозирги ўзбек адабиётидаги макеини мустаҳкамлашга интилди. Аммо у воқеликдан олган таассуротларини ёрқин ифодалаш учун, бир томондан, мо-дерн шеърятининг рамзий образларга бой тили ва услубида ёзишда давом эт-ган бўлса, иккинчи томондан, Эркин Во-хидов ва Абдулла Орипов шеърятига хос лирик ҳарорат билан йўғрилган шеърла-ри ҳам ёзишдан юз ўгирмади. Ўзгача айт-ганда, у ҳозирги ўзбек аънаваный ше-ърятини бағридан ўзил-кесил ажралишни ўзига муносиб кўрмади.

Баҳор келди. Илди кунлар,
Ўт-тихлар ерин қоплади.
Узун кечди — ҳаёлий туялар,
Дарахт ўзини нурга тоблади.

(“Баҳор”)

Шоирнинг “Лаҳзалар суврати” номли сўнгги шеърлар тўплами шундай аъна-навий шеър билан очилади. Лекин таби-

атнинг шу фасли тасвирланган “Эрта кўклам” шеъри яна “турсунона” оҳанглар билан тўла:

Қор қўйидаги бойчечак, сени соғиндим,
Кўнглим ўчоғига ўтин қаладим роса.
Ҳазонрезги қор ҳам эриб битсин, дейман-да.
Чўққиларда қорлар эримайди ҳали,
Бойчечак нафаси қафас силдириб,
Кўкларим уйғотар эркатой қиздек...

Шеърнинг шу ҳар икки бандида лирик қаҳрамоннинг бойчечакни соғинганлиги мотиви устунлик қилади. Бойчечак — ба-ҳор тимсоли. Лирик қаҳрамон аслида баҳорни соғинган. У шу қадар соғинган-ки, хатто бойчечакни қуршаб ётган қор-лар эриши учун кўнглим ўчо-ғига роса ўтин қалайди. Аммо қорлар, чўққидagi ме-тин қорлар янглиғ, эримай тураверади. Бойчечак эса қордан ясалган қафасни тешиб, эркатой қиздек баҳорни уйғотишга шошади. Шеър-да навбаҳорнинг келиши шундай латиф поэтик тимсоллар ёрдамида маҳорат би-лан тасвирланган. Шоир ана шу нафис по-этик тафаккур гулларини шеърнинг беш-ла бандига шундай сочиб юборганки, улар ўзаро бирилашиб, баҳорни соғинган лирик қаҳрамоннинг муайян дақиқадаги нозик ҳолатини ёрқин муҷассамлантирган.

Кўклам, баҳор — Турсун Алининг се-вимли образлари. Улар фақат табиат-нинг уйғониш фаслигига эмас, балки бахтли ва шуқушли ҳаётнинг тимсолла-ри ҳам. Шоирнинг “Бахт қуши” шеъри-да тасвирланишича, лирик қаҳрамон Уни кўп замонлардан бери кўрмаган, аммо Унинг кўзларидан дилбар овози-ни эшитиб туради, бироқ теваракка қараса: Усиз баҳор келган... Лирик қаҳрамон отга қамчи уриб, У сари учиб бориб, Унинг елкасига, Унинг бошига Бахт қуши бўлиб қўнажга ва қанотида Баҳорни келтиражағини айтади. Бу ташбеҳлар сирасидаги Баҳор фақат уй-ғониш фасли эмас, балки бахт ва сао-дат тимсоли ҳамдир.

Турсун Али “навқирон кўнглининг ўтли туйғулар, денгиздек сертўлқин эхтиро-си”дан шеър ва достонлар яратишда да-вом этади. Лекин шеър беадад ҳаёл қанот-ларида, туғилувчи мўъжиза бўлганлиги боис унинг шеърятинида “ўтли туйғулар” маъносига ҳислар ва қуз манзаралари би-лан алмашиниб туради.

Тўққизда чирпирак қайиқ мисоли
Сочинг тўғида адашди роса,
Юрагиндан ўзга йўл йўқдек тўё.

Кўзларингиз сенинг қўлдим ўзимни,
Сен-да кетавердинг бушиққа қараб.
Мен-да боравердим киприкка қалаб...

Шундай сатрлар билан бошланган “Туй-гулар рақси”ини ўқишда давом этсак, шо-ирнинг истиоралар занжиридан иборат поэтик оламида нималардир юлдуздек сўниб, нималардир ғунчадек туғилиб бо-раётганини кўрамиз. Сўзлар, йўқ, йўқ, туй-гулар рақс тушар экан, лирик қаҳрамон дафъатан учиб бораётган юлдузни қўриб қолади. “Жуда нурсиз, жуда порлоқ эди у”, деб эслайди лирик қаҳрамон. У бежиз э с л а м а й д и. Негаки, юлдуз ўша заҳот-ти учиб келиб, унинг кипригига қўнган эди. Қаранг, қандай ажойиб топилма — туйғу-нинг ўйинлари!

Шеър — шоир руҳиятида, кайфиятида рўй берадиган воқеа. Шунинг учун у шид-датлигига эмас, балки оний лаҳзанинг, оний туйғунинг, оний кечинманинг сура-ти ҳамдир. Турсун Али ўзининг энг яхши шеърларида ана шу оний туйғу ва кечин-маларнинг шундай тасвирини чизган ва чизмоқдаки, бу тасвири ўқиган шеърхон шоирнинг топқирлигидан, оддий сўз во-ситасида ифодалаш маҳол бўлган лаҳза-ларни рамзалар, тимсоллар, истиоралар воситасида ёрқин ифодали олганидан хайратга тушади.

Наим КАРИМОВ,
академик

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2018 йил, 3-сон

Журналнинг навбатдаги сониди атоқли адиб Фафур Фулом таваллудининг 115 йиллиги муносабати билан таниқли адабиётшуносларнинг мақолалари эълон қилинган. Жумладан, Н.Каримовнинг “Серқирра билим соҳиб”и мақоласида Фафур Фуломнинг илмий-публицистик мероси таҳлили орқали унинг қому-сий билим соҳиб сифатидаги қиёфаси ёритилган. А.Ҳайитметов қаламига мансуб “Мумтоз адабиётимизнинг жонли қому-си” мақоласи устоз адибнинг ўзбек мумтоз адабиётининг би-лимдони сифатидаги фаолиятига бағишланган. Шунингдек, И.Ҳаққулнинг “Шарқ мумтоз адабиёти ва Фафур Фулом”, Р.Ба-ракаевнинг “Фафур Фулом ижоди ва ўзбек болалар адабиёти” сингари турли мавзулардаги тадқиқотларида адиб меросининг долзарб масалалари ҳақида сўз юритилди.

Тилшунослар Д.Лутфуллаева ва Б.Тожикбоевнинг тадқиқоти ўзбек тилида миллий-маданий ассоциатив бирликлар мавзусида.

“Гуруғли” туркуми достонларининг ўрганилиш масаласига бағишланган мақоласида Т.Мирзасевнинг таъкидлашича, “Ўзбек фольклоршунослари кейинги 90 йил давоми-да самарали тадқиқотлар яратдилар, жонли оғзаки ижро шароитларидагина етиб кел-ган юзлаб достонларни ёзиб олдилар, энг муҳими, уларнинг асосий қисми нашр этил-ди”. А.Абдуқодиоров мақоласида ахлоқнинг жамиятда тутган ўрни ва Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги тасаввуф аҳли ахлоқли талқинлари таҳлил этилган.

Илмий ахборот характерлидаги бир қатор тадқиқотлар мумтоз, замонавий адабиёт, халқ оғзаки ижоди, тилшунослик масалалари ёритишга бағишланган.



“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2018 йил, июнь, июль сонлари

Мамлакатимизда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлар замирида ин-сон манфаатлари, унинг фаровон, бахт-ли ҳаёти муҳассам. Аҳмадхон Мелибо-евнинг “Бола тарбиясига яширинган даромад” мақоласида ушбу жабҳада амал-га оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Шеърят минтақаларида улғур шу шоири Пушкин шеърятидан қилинган янги таржималар билан танишасиз. Шеърлар аслиятдан Минхонжидин Мирзо таржимасида тақдим этилган. “Пушкин гурун-лари” китобидан Ҳумоюн таржимасида берилган парча китобхонлар-нинг Пушкин ҳақидаги тасаввуруларини бойитиши тайин. XIX аср девон адабиётининг мумтоз вақили Мавлавий-Жунуний шеърятидан намуналарни форс тилидан Мирзо Кенжабек таржимасида ўқийсиз. Дарвоқе, Мавлавий-Жунуний зуллисонан шоир бўлиб, форс ва ўзбек тилларида равон ижод қилган.

Журналнинг июнь ойи сониди жаҳон болалар адабиётига ҳам кенг ўрин берилган. Украин ва рус болалар адабиётининг атоқли вақил-лари Иван Франко, Корней Чуковский, Агния Барто, Екатерина Се-рова шеърларида инсон умрининг бу беғубор фасли ҳақида таъ-сирчан ва самимий поэтик талқинларга гувоҳ бўласиз (таржимон-лар: Х.Комилов, Н.Остон). Анна Саксе эртаклари (Д.Рўзимухамма-до ва таржимаси) “Минг бир кеча” ҳикояларидан берилган намуналар (арабчадан С.Абдукаримов таржимаси) ҳам кичик китобхонлар учун муносиб тўхфа бўлган.

Рус олими В.Шкловскийнинг “Санъат “усул” сифатида” (таржимон Х.Болтабоев), Д.Тураевнинг “Сизиф ривояти ўзбек адаби талқини-да” мақолалари ҳам журналнинг ушбу сонида босилган.

Журналнинг июль ойи сониди қардош туркман адабиётига кенг ўрин берилган. Туркман шеърятини муҳлислари мумтоз шоирлар Дав-латмаммад Озоди, Махтумқули, Камина, Муллафас ижоди наму-налари ҳамда замонавий таниқли шоирлар шеърларидан баҳраманд бўладилар. Райимбой Собировнинг “Гурганж” романидан парча (турк-манчадан А.Саидматов таржимаси), Наримон Жумаевнинг “Кекса қўпон ва сахро” ҳикояси (Ш.Ниёзмухаммад таржимаси), Омондурди Аннадурдиевнинг рубойлари (аслиятдан Шуккур Курбон таржимаси) туркман адабиётидан сараланган ўзига хос гулдаста.

Ғарб адабиёти намоёндаларидан Теодор Драйзернинг “Қудратли Рурк” ва Хулио Кортасарнинг “Онамнинг мактублари” ҳикояларини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Таржимонлар: О.Ҳожи ва О.Отаҳон. Уиль-ямс Тенниссининг жаҳонда кенг шуҳрат қозонган “Орзу” трамвайи” номли психологик драмасынинг (Амир Файзулла таржимаси) илк қисми ушбу сонда босилган. Шунингдек, адабиётшуносликка доир қатор мақолалар ҳам эълон қилинган.



“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

2018 йил, 7-сон

Мафтул айлар мени ранглар ҳар қачон,
уфқлар, шафақлар ёрқин қирмиз.
Шафтоли гуллари қабри бу жаҳон
айланган қушларнинг ўзи ва низи.

Ушбу рангин мисралар Йўлдош Эшбек қаламига мансуб. Бир туркум шундай ажойиб шеърларини шоир назм ихлосмандларига тақдим этган. Умуман, ушбу соннинг шеърят таҳлиллари дилтортар асарларга бой: Фарида Ҳусайнова, Гулистон Матёкубова,

Мухиддин Омон сингари шоирлар сизни назимий мулоқотга чорлайди. Жаҳон адабиёти намуналари сирасидан улғу француз шоири Артур Рембо шеърятидан намуналарни рус тилидан Ҳумоюн таржима қилган.

Насрий асарлар қаторида ўзбек носирилар навқирон авлоди вақил-ларининг қиссаларини ўқийсиз. Булар: Қулман Очилнинг “Гардан ва гар-дун” ҳамда Баҳодир Қобулнинг “Ой йўли” асарлари. Тоҳир Маликнинг “Юлдузга айланган қизалоқ” ҳикояси ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Атоқли олим ва адиблар Матёкуб Қўшонов ҳамда Чингиз Айтматов таваллудининг юз йиллиги муносабати билан эълон қилинган мақолалар умрлари ибрат бўлгули устозлар ҳаёти ва ижоди бағишланган. “Мутула”, “Болалар дунёси”, “Еднома”, “Тадқиқот” сингари ру-кнларда эълон қилинган мумтоз ва замона-вий адабиётнинг долзарб масалаларига доир мақолалар, тадқиқотлар ҳам ушбу сон мундарижасини бойитган.

“ЗВЕЗДА ВОСТОКА”

2018 йил, 4-сон



Журналнинг ушбу сони ҳам мамлакатимизда яшаб ижод қилаётган русийзабон шоир ва ёзувчиларининг, жаҳон адабиёти намоёндаларининг турли жанрлардаги асарларидан таркиб топган. Жумладан, Жасур Исҳоқов-нинг “Бир нафасдек қисқа хайр” қиссаси, Бах Аҳмедов, А.Икрамов, И.Люлько ҳикоялари, Р.Крапаней, В.Исҳоқов, В.Муратхоновнинг туркум шеърлари ушбу сон мазмуни-га алоҳида салмоқ бағишлаган.

Замонавий ўзбек адабиётидан рус тилига қилинган янги таржималар сирасидан Мухаммад Юсуфнинг бир туркум шеърлари (таржимон С.Афлотуни), Акбар Мир-зо ва Улуғбек Ҳамдамнинг ҳикоялари (таржимонлар Л.Пиржанова ва Н.И-льин) босилган. “Янги номлар” руқни остида ҳам ёшларнинг бир қатор шеърый ва насрий асарлари билан танишасиз. Адабий-танқидий мақо-лаларда замонавий ўзбек шеърятини талқинлари, бадиий таржиманинг муҳим муаммолари ёритилган.

“ИССИҚКЎЛ ФОРУМИ” ТИКЛАНДИ

Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатларида том маънода янги, кўтаринки давр бошланди. “Меҳр кўзда”, дейди халқимиз. Зеро, тили, маданияти муштарак бўлган, энг муҳими, битта минтақада яшаётган бу халқларнинг барча жабҳалардаги ҳамкорлик алоқалари уларни янада яқинлаштирмоқда. Юқори даражадаги учрашувлар қизгин кечмоқда.

Адабий алоқалар

1986 йилда ана шундай мақсадларда атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов ташаббуси билан “Иссиқкўл форуми” ташкил этилган эди. Ушбу халқаро форум, аввало, Ер юзиде тинчликни сақлаш, миллатлар ҳамжихатлиги, қолаверса, глобал экологик фалокатлар олдини олиш ва бошқа шу каби эзгу мақсадларга қаратилганди.

Ушбу норасмий форум ўз вақтида Шарқ ва Ғарбнинг атоқли фан, маданият ва жамоат арбобларини ҳам бирлаштира олди. Аммо номаълум сабабларга кўра унинг фаолияти тўхтаб қолганди.

Шу йилнинг 4 октябрида Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида “Иссиқкўл форуми” қайта фаолиятини бошлади. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан таниқли ижодкорлар иштирок этмоқда. Мазкур Форумнинг қайта тикланиши халқлар ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар риштасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Уй ичи тор бўлгани учун бола бутун киш давомида печка остидаги бурчакда мушукдай ғужанак бўлиб, ранги униққан полнинг устида ётиб чиқди. Хаво илиб, очик осмон остида яшаса бўладиган пайт келиши билан, ёгон омборидан яшириб олиб келган ва шахтадан чиққан чиқиндиларнинг орасидан толган ярқисиз тахталарни қураштириб, ўтинхонанинг ёнига кичкинагина сўри ясаб олди-да, шаҳарликлар орасида биринчи бўлиб ташқарида яшай бошлади. Устига соя тушмайдиган сўрида пешин маҳали ухлаб, дам олиш қийин бўлгани учун, ўгай отасидан ҳаддан ташқари қўрқса ҳам, унинг бугун соат учда келишини билса ҳам, онасининг зорланиб қаршилик кўрсатганига қарамай, таваккал қилиб, ўйга кириб қаравотга ётиб олди. Ётганда ҳам, кийим-бошини ечмай ётди.

Ўгай отаси унинг озгин елкасидан туртиб уйғотди.

— Эй, ошга шерик, бошга юк, яқин орада сен мени ўз уйимдан ҳам қувиб чиқарадиганга ўхшайсан-а?!

Ғижиниб турган отасининг жун қоплаган кенг кўкраги, йўл-йўл чизиклар тушган дўнг пешонаси, қуюқ қошларининг остидан заҳар сочаётган кўзлари ва дўрдоқ лабларига нафрат билан бир сидра қараб олган бола қаравотдан секин тушиб, ташқарига йўналди. Дахлизга чиқадиган остонада ҳаммасини кўриб, эшитиб, йиғлагудай бўлиб лаблари титраб турган онаси ёнидан ўтиб бораётган боланинг орқа курагига шап этиб бир туширди. Бола йиғлаб қочиб ўрнига, онасининг ёш тўкишга тайёр турган кўзларига «Бу тагин нимаси?» дегандай тик қараб, индамай ташқарига чиқиб, ўзининг қуёшда қизиб ётган ёзги сўриси-га борди. Девор остидаги примусга қўйилган кичик тунука товоқдаги сариғиш тусли шўрваннинг билқиллаб қайнашига қараб, бир муддат ўйланиб ўтирди. Кейин ўрнидан илкис туриб, икки қадам наридаги торгина хиббонга ўтди. Анчадан кейин ўнг томонга бурилиб, темир йўлни кесиб ўтиб, асфальт йўлга тушди. Кўп ўтмай шаҳар ҳудуди тугаб, бугдой экилган кенг дала бошланди. Бола бугдойзор ичини оралаб ўтган йўлга бурилди.

Кўпдан бери ҳеч ким юрмаган овлоқ йўлда ёмғирли баҳор кунларини эслатувчи от-арава, сигир-бузоқ ва йўловчиларнинг лойга ботган эски излари кўринди. Изларнинг ҳар жой-ҳар жойида бугдой униб чиқиб, пишиб қолибди.

Бола бир зумда бугдойзорга кириб, кўздан ғойиб бўлди. Шу пайт орқа томондан онасининг таниш ва ёқимли овозини эшитди.

— Сар-да-ал! — Овоз бўғиқ ва ташвишли эди. Бола ортига ўгирилиб, олисдан сап-сариқ бугдойзорни оралаб келаётган онасининг қоп-қора бошини, юқори кўтарилган қўлида ҳилпираган рўмонли кўриб ўрнидан турди.

Онаси анча жойгача югуриб келди, лекин охири ўпкаси озгига тикилиб, оғир-оғир нафас ола бошлади.

— Қайт, Сардал!

Бола онасининг ниятини тушуниб, ортига ўгирилмай қоча бошлади. Она билан бола ўртасида қуллашмачқ бошланди.

— Сар-да-ал, қайт!

— Сар-да-ал!

Аёл ҳолсизланиб орқада қола бошлади.

— Сар-да-ал!..

Бу гал онасининг овози узоқдан эшитилганини билган бола тўхтаб, орқасига қаради.

Онаси анча олисда, йўлнинг ўртасида тўхтаб қолибди. Ўғлининг жойидан кўзгалмай турганини кўриб, бир оз ишониб-ишонмай, иккиланиб юра бошлади. Боланинг яна қочиб кетишини кутиб, ундан кўзини узмай қадамини тез-

латди. Шошилганидан бир марта қоқилиб, ерга юзтубан йиқилди. Уст-боши, юз-кўзи чанг-тупроққа беланди, лекин эгини қокмай, хурпайган сочларини тузатмай гўрдан чиққандай абгор аҳволда юриб бораверди.

Бу болага таъсир этди. Юраги ачишиб, томоғига нимадир тикилди. Ўзи сезмаган ҳолда аста-секин қадам ташлаб, онаси томон юрди. Онасининг тупроққа беланган қуюқ қошлари остида боқиб турган қоп-қора кўзларини кўргач:



— Опа! — деб қичқириб югурди. Аёл ҳам бор кучини йиғиб, икки қўлини олдинга чўзиб, унга талинди.

Кейин бошлари устидаги осмон сингари кенг бугдойзор ўртасидаги майса қоплаган эски йўлда она-бола бир-бировини маҳкам қучоқлаб, бир-бирининг қалб ҳарорати, ёқимли ва таниш ҳидидан ҳаяжонланиб, анчагача индамай туришди. Бир-биридан нигоҳларини яшириб, кўз ёш тўқиди.

— Энди... — деди бир маҳал онаси боланинг бошини кўксидан бўшатмай, — шундай аҳд қилган бўлсанг, майли... Лекин отангининг олдида боргач, мен ҳақимда гапирмай қўяй, майлими?

— Йўқ, — деди ўғли онасининг қучоғидан чиқиб, — айтаман. Ҳаммасини айтаман. Ерўлага ўхшаган уйингнй, камбағал ва ночорлигининг, турмушинг ёмонлигини, уст-бошинг юпунлигини, ишинг оғирлигини, нон бўлмай қолган пайтларда талабаларнинг кийимини ювиб пул топишингнни, ёлғизлигини, касалхонада бирга ишлайдиган кир ювувчи хотинлардан бошқа ҳеч ким сени танимаслигини, шу ҳолингга қарамай, эринг бор пулига ичиб келиб, сени савалашини — ҳамма-ҳаммасини айтаман.

Йиғламсираётган аёл ўзини хотиржам туттишга уринди.

— Бундай қилсанг, менга яхши бўлмайди-да, Сардал.

— Майли, яхши бўлмаса бўлмас...

— Полвоним, сен хали кўп нарсани тушунмайсан. Билсанг, катталар ҳам янглишади. Энг ёмони, уларнинг битта хатоси ҳам жуда қимматга тушади...

— Эҳ, опахон! — деди бола бошини қайта онасининг кўксига босиб. — Бир пайтлар қандай бахтли эдик... Ўз отам билан... Ўз уйимиз, кўрғонимиз, боғимиз бор эди... Икки туп олмамиз кўзда қайта гулга кирарди. Эсингдами, опа?

— Албатта, — деди онаси беихтиёр жилмайиб, — лекин бу олмаларнинг меваси пишмай қоларди. Совуқ кўздан кейин киш келиб...

Кўзидаги ёшни боласига кўрсатмаслик учун бошини баланд кўтариб, олис-олисларга қаради. Кипригида милтираган томчида қуёш нурлари, оппоқ булутлар, сарғайган осмон акс этди.

— Опа, эсингдами, отам билан учқовимиз шаҳарга бориб, менга велосипед сотиб олгандик. У ҳозир ҳам отхонада турибди. Сенинг олдингга келсам, отамнинг олдида жўнатмай қўйишингнни билганимда, велосипедимни шаҳарга олиб келган бўлардим. — Бола бир оз ўйга ботиб, жим бўлиб қолди. Кейин чуқур хўрсинди. — Опажон, ўшанда нимага жанжал қилдинглар?... Ҳаммасини сен қилдинг... Кейин ярашиб олсангизлар ҳам бўларди. Бечора отам сендан қайта-қайта кечирим сўради. Эрга текканингдан кейин ҳам келиб юрди. Шу йилнинг ўзида ҳам келиб кетди-ку! Сен бўлсанг...

— Сардал, юр, — деди аёл нафасини ростлаб, — сени қузаитиб қўяман.

Иккиси бир-бирига суяниб, жимгина қадам босишди.

— Сардал... — деди аёл бир неча қадам юришгач, негадир оғриниб, — сен отангга айт... Эртага дам олиш куни... Сен билан шаҳарга келсин...

Янги велосипеднинг гилдирагига ел берган жойимизда, толнинг остидаги супада мени кутинглар, хўпми?

— Опа... — деди ўғли қувончини яширолмай.

— Бор, бор энди... — Онаси тўхтади.

Бола онасидан кўзини узоқмасдан беш-олти қадам

Мурза ГАПАРОВ,
Қирғизистон халқ ёзувчиси

ИЖКИ МАҲАЛ ГҲМ АЙДИГАН ОЛМАЛАР

юриб, кейин ортига тез-тез қараб, узоқлаша бошлади.

Аёл йўлнинг ўртасида довдираб, ўғли сап-сариқ бугдойзорга буткул сингиб кетгунча ундан кўзини узмай қараб тураверди...

Бола онасининг боши қоп-қора нуқтага ўхшаб, юраётгани ёки тўхтаб тургани билинмай қолгунча юриб, кейин ботинкаларини ечиб, уларни бир-бирига боғлаб елкасига илтиб, шимининг почасини тиззасигача қайтариб олди-да, илдамлаб кетди.

Кўнгли ўсган бола йўл бўйи иргишлаб ўйнаб, шаталок отиб югуриб, дам олган пайтларида чигирткаларни уриштириб, бугдой ичидан қапалак ва ниридоқ қувалаб, йўлдан адашиб қолгунча кетаверди. Кун ботар маҳали бугдойзор тугагач, бола ўзига таниш қиёқ-қамишлар ўсган ботқоқликка етди. Шу ерда бугдойзор ичидаги йўл бошқа томонга бурилди, бола эса қамишзор яқинидаги ёлғизоёқ йўлга тушди. Қоронғи туша бошлагач, қамишзор ичидаги ёввойи ўрдаклар қўноқ излаб, нари-бери уча бошлади. Бола уч-тўрт дақиқадан кейин ботқоқликдан ўтиб, томорқаларга дуч келди. Аввал экинзорларни, кейин қишлоқ боғларини, уйларни оралаб юриб, ўзларининг кўрғонига етиб келди.

Дарвоза ичидан берк экан. Бола тирқишдан қараб, олма остида ўтирган кампирни, ўчоққа ўт қалаётган ёшгина жувонни, велосипеднинг гилдирагига ел бераётган ўзига тенгдош болани кўрди. Умирида кўрмаган бегона кишилар уни ҳаддан ташқари ҳайрон қолдирди. Бир муддат нима қилишини билмай, гарангсиб турди-да, кейин шимининг почасини тушириб, ботинкаларини кийиб, кичик мушти билан дарвозани қокди. Шу заҳоти кўрган ичидан қалишининг «ширп-шурп-и» эшитилиб, кўп ўтмай дарвозанинг оғир занжири шалдираб, рўпарасида истараси иссиқ ёш жувон пайдо бўлди.

— Ҳормангиз... — деди бола аёлдан бир оз тортиниб.

— Бор бўл, кел.

— Келдим... Жақип ака уйдами? — У негадир «отам» дегиси келмади.

— Йўқ. Экинларни суғоришга кетган. Нима ишинг бор эди?... Айтавер, мен унинг хотиниман.

Бола жувонга анграйиб тикилиб қолди. Шу чоғ аёлнинг ёнига велосипедини етаклаган бола келди.

Сардал боланинг юзига қарамай туриб, велосипедга кўз қирини ташлади. Велосипеднинг бир оз майишган рулидан унинг ўзиники эканлигини билиб, қўй кўзларига тўлган ёшни етти ёт бегоналарга кўрсатмаслик учун ортига қайтди.

Уй эгалари ҳайрон бўлиб қараб қолишди.

Сардалнинг кайфияти бузилиб, кўрғондан узоқлаша бошлади. Муюлишга етганида кўча бошидан дупурлаб келаётган сизирларни, уларнинг ортидан тупроқ кўчани бошига кўтариб ўтаётган болаларни кўриб тўхтади. Сигирларни ҳам, уларнинг эгаларини ҳам таниб, шу заҳоти ўзини қоронғиликка уриб, девор панасига бекиниб турди. Ўзининг эски ўртоқлари олдида сувга иргитилган қучқдай аянчи аҳволда шалвираб тургиси келмади.

Ўтдан тўйган қоринларини аранг кўтариб, сўт иси келиб турган елинларини осилтириб, юрсамми-юрсамми дегандай, имирсилаб, сизирлар ўта бошлади. Болалар Сардални пайқашмади.

Болалар кўздан йўқолгунча, Сардал ўрнидан жилмади. Бирдан қулоғига булбулнинг «чик-ак» деган маънос товуши эшитилди.

Бола юқорига қараб, ҳалидан бери эътибор бермаган, меваларининг оғирлигидан ерга эгилиб турган олма шохларини кўрди. Бу олмалар ўзгача, ҳар йили икки марта гуллайдиган икки туп олманинг шохлари эди... Бола олмаларнинг ҳар бир новдаси, ҳар бир апроғига соғинч билан қаради. Туйқусдан бир неча шохда тонгги юлдузларга ўхшаган гуллар кўринди.

Боланинг кўзига қайтадан ёш тўлди. Энди бу гуллар булоқ остидан чиқиб, олис-олисларга учиб боргач, бир-бирига қўшилиб, булутга айланиб кетишди...

Бола кўзларини артиб йўлга тушди. У қишлоқ уйлари-ни, боғларни, экинзорларни ортда қолдириб, қамиш ўсган ботқоқликка яқинлашди. Шу ерда унга бир ит йўлиқди. Ит йўлнинг четида ўсган ўтлар орасида югуриб, қўнғиз тутиб ерди.

Сардал аввалига унчалик эътибор бермади, кейин таниб қолди: бу ўзининг ити эди. Бола уни қақриб, бўйнидан қучоқлагиси келди, лекин эргашиб қолишидан чўчиб индамади, чунки боланинг ортидан борса, шаҳарда яшаш қийин бўлади.

Болага итнинг ҳеч нарсадан хабарсиз, эркин юриши ёқди. «Сен жуда ҳам бахтлисан...», деди итдан кўзини узмай бораётди.

Бирданига ит уни сезиб қолди. Ўша заҳоти югуриб келиб сўйқалиб, боланинг юз-кўзи, қўлларини искаб, атрофда айланди.

Буни кўриб боланинг юраги ҳаприқиб кетди. Бирпас итнинг манглайини силаб туриб:

— Мен билан кетасанми-а? Кетасанми? — деб сўради.

Ит унинг қўлини ялаб, думини қимирлатди.

— Ундай бўлса, юр!

Ит болага эргашиб, Иккиси қамишзор ичига киришди. Бу ер кенг, ёрдай қоронғи ва тинч экан.

Бола оёғи билан тусмоллаб йўлни топиб, юз-кўзини қиёқ-қамишлардан тўсиб, қўлларини юқори кўтариб, бугдойзор ёнидан чиқди. Шошмасдан шимининг почасини қайириб, ботинкасини елкасига илди. Қаршидаги денгиз сингари ястанган далага бир қараб қўйди-да, чарқоқдан зирқираб оғрий бошлаган оёқларини аранг кўтариб, бугдойзорнинг ичига кириб кетди.

Ит унинг ортидан қолмади. Шу пайт боланинг рўпарасидаги олис тоғлар ёришиб, чақмоқ чақди. Қорайган осмондан бугдойзордаги чигирткалардай товуш чиқариб, илк томчилар тома бошлади.

Қирғиз тилидан
А.ШУКУРЛАЕВ таржамаси.

М.Гапаров 1936 йили Ўш вилоятининг Новқот туманида туғилган. Қирғиз адабиётида ўчмас из қолдирган ёзувчининг «Қорақўлнинг ғозлари», «Қора тўрғай», «Бойчечак», «Ойгул тоғ», «Қишлоқча» сингари ҳикоя ва қиссалари нашр қилинган. Шунингдек, у «Ёмғирли тун эртаги», «Чақилганнинг тоши», «Тузли чол» сингари драмалар муаллифи. Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси Мурза Гапаров 2002 йили вафот этган.

Абдураҳим АЗИМ

БОДРАР УЛКАН ЮЛДУЗЛАР КЎКДА



Тўлиб тошса ҳамки дардим ичимга,
Дастурхон қилмадим, аммо ҳеч кимга,
Имон чирғини ёқиб кўксимга,
Бедор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ётар тўнтариллиб осмоннинг жоми,
Қуёш чарақлайди— фалак пайғоми,
Қайда ўқилади қисмат аҳкоми,
Тайёр бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ойдай тўлай дедим, ой бўлмаганда,
Кундай қулай дедим, кун қулмаганда.
Саҳрода йўловчи оч, чўллаганда,
Анҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Мен ахир инсонман, одамзод насли,
Мустафо талғатли, Йисо нафасли,
Қалбимда гуркираб найсонлар фасли,
Баҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Тилим яна келмайди сўзга,
Хазонларини шопирав шамол.
Хусн берав тўлишган кузга
Япроқларнинг товланиши ол.

Турар вазмин ўйларга ботиб,
Дов-дарахтлар қабосин ечган.
Вужудимни зир-зир қақшатиб,
Тошиб келар саволлар ичдан.

Нима қилдим шу ёшга кириб,
Ўтмишлар ёқадан тутдим?
Остонамдан ўтмасдан туриб,
Дўстим мендан ижиб кетдим?

Боғларимда кузак еллари,
Турар Ҳаққа саловат айтиб.
Хайр энди, ўтган йўлларим,
Ўтолмасман сизлардан қайтиб!

Яшамоқдан ахтариб маъно,
Гоҳ қоқилиб, гоҳи суридим.
Бир одамдай яшашга, аммо
Умр бўйи тинмай уридим.

Яхшиларга бўлай деб мухлис,
Умид қилдим борица имкон.
Келмаса-да қопшимга иблис,
Шерикларин йўллади ҳар он.

Дунё кириб борса-да кузга,
Дилда кўклам тугўни — денгиз.
Бахт боқмаса боқмади бизга,
Орзуларим, завол топмангиз!

Олда қанча умидлар ҳали,
Орзуларга очарман қучоқ.
Атрофда куз, аммо таажжуб,
Гулаётир бошларим оппоқ.

Шамолманми ё ҳаёлманми,
Гузлардан ўтаётирман
Ечим йўқ бир саволманми,
Аждодлардан қўхна хотирман?!

Юқинганча фақат кўнглига,
Орқасидан кетаётирман.
Кунларимни совириб елга,
Эрталарни қутаётирман.

Ахтарганча ўзимни тинмай,
Ўзимга кўз тутаетирман.
Балки ҳали дунёга келмай,
Бу дунёдан ўтаётирман.

Ўйлар

Йўллар, бекатлардан ўтиб бораман,
Сабру саботимни тўплаб юракка.
Кундузлар юраман, тунлар юраман,
Етгунча билмасман тиним тилакка.
Кўтарилган ҳаёт кеам елкани,
Шамол шошилтирар: ҳой-ҳой, тезроқ бўл!
Далил дарё экан ҳаёт дегани,
Умр деганлари доvon, сўнгсиз йўл!
Манзилларим пешвоз чиқар қаршимда,
Сурур бахш этади кўнгишларга йўл.
Қуёш тушиб келар экан аршидан,
Менга жилмайганча узатади қўл!
Дегайман: севаман, севаман Қуёш,
Менга меҳр билан олисдан соч нур.
Сенга талинлади борлик, тоғу тош,
Жамики тириклик олар зиё, кўр.
Кетар ётоғига оқшомлар қуёш,
Бир кунимни юлқиб гул ҳаётимдан.
Осмондаги оппоқ юлдузлар, бебеш,
Гуё қиқирлашиб қулар ортимдан.
Ўтди қанча олтин-кумуш фурсатим,
Вақт оқади мендан изн сўрамай.
Юрагимга йиғиб қудрат, ҳидлатим,
Мен ҳамон йўлдаман ортга қарамай.
Йўл босаман, манзил узоқдан узоқ,
Юракда тутанмас сабр ила бардош.
Менга Онам каби очади қучоқ,
Фалак уммонда азалий Қуёш.
Суяниб илоҳий Ер меҳварига,
Пойимда юлдузлар, ойни қўраман.
Кониотдан чиқиб мен ташқарига,
Юрагимга чуқурроқ қираман...

Тоғай Муродни эслаб

Бўлганимда Сурхон ёқларда,
Олис йиллар тушар ёдимга.
Бўйини эгмай бобо тоғларга
Ўқиради Сурхон пойимда.

Ўша-ўша, қадрлон Сурхон,
Бодрар улкан юлдузлар қўқда.
Алпелбат, ҳа, Бўри полвон,
Рақибларин отади тикка.

Гавжум Денов бозори ҳануз,
Игна отсанг, тушмайди ерга.
Тарлонини қидириб ёлғиз,
Зиёдулла изғийди қирда.

Гувранди туғилган тупроқ,
Йўқдир бунда бегона, ётлар.
Зангор қирда талашар улоқ,
Юлдузларини кўзлаган отлар.

Зиёлу суздай тиниқ бир кеча,
Ойдинларда юрар инсонлар.
Момосулу — ҳамсоя чеча,
Бир тирноқ, деб ютади қонлар.

Сурхон борсам, кўзларим ёқиб,
Тушиб келар қирдан долалар.
Суянади бўйимга боқиб,
Ота, Сиздан қолган далалар.

Ғам-ташвишни мен унутганча,
Ўшкан тўлиб оламан нафас.
Ҳаёт қийин бўлмасин қанча,
Бу дунёда ўлиб ҳам бўлмас.

Ўзгармаган ҳеч не ҳаётда,
Қўқда қуёш собит турибди.
Олисларда — Ҳўжасоатда
Тоғай Мурод қулиб юрибди.

Йиллар синовига ярамини сўзлар,
Кўнгишлар сизмайди тўфонли ҳислар,
Бири бирингизни соғинган кезлар,
Дийдор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Каҳқашон

Хой, ёронлар, биродарлар, қўшиқ ишқиди ёнган жонлар! Қалбида қўшиқ кўшқ қурган мухлислар! Қўлда қаламим билан қўшиқ ҳароратидан куйлай, машҳур ҳофиз Отажон Худойшукуров ижодидан суйлай, навобахш юракларга бўйлай.

УЧИНЧИ ДАРЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бахшаёна

Ҳофиз торини кўксига маҳкам босганича йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Гоҳ пиеда, гоҳ отда юрди, гоҳ туюда. Гоҳ гулзорлардан ўтди, гоҳ тиконзорлардан ўтди. Оёқларига тиконлар ботди. Лекин у бу ситамларга асло парво қилмади. Қўшиқ манзили сари шамолдай елди, бўрон мисоли чопди. Тоғу тошлардан ўтди, денгизу дарёларни кечди. Қўшиқ манзили уни ўзига чорлайверди, чорлайверди...

Ҳофиз гоҳ тўлиб, гоҳ хайкириб, гоҳ сокин оқаётган Амударё соҳилига етиб келиб бир зум тин олди. Торини бағрига босиб, бироз ором олди. Кўзларига уйқу илindi. Бир лаҳзалик туш кўрди. Тушида бир мўйсифид:

"Сен излаган манзил шу, болам. Бу жойларни қўшиғистон дейдилар. Бу юртининг одамлари қўшиқ билан ётиб, қўшиқ билан уйғонади. Куй билан нафас олиб, куй билан меҳнат қилади. Бу ўлкада ҳофизлар сероб. Зўрлари ундандан кўпроқ. Энди торингни кўлга олгин, юрагинга кулоқ солгин, ўз қўшигингни топгин. Бу қўшиқ ҳодиса бўлсин, воқеага айлансин. Амударёдан мадад олгин, унинг ишқини қалбингга жо қилгин. Торингни кўлга ол! Уйғон энди ҳофиз! Уйғон!..", деди.

У кўзларини ҳайрат билан очиб, улкан дарёни кўрди. Тўлиб-тошиб оқаётган дарё унинг юрагига тўлқин ура бошлади. Бу сирли тўлқинлардан оҳанг таралди, тор симларини чертган эди, нола жўш урди. Бир нолаки, вужудни сел қилади. Селдан дарё тошади, қирғоқлардан ошади, юракларга шошади. Шундай қилиб ёронлар, қўшиқсевар биродарлар, Хоразм томонларда, қорақалпоқ элинда туғилиб ўсган Отажон Худойшукуров деган булбулнафас ҳофизнинг нолалари бетакрор, авжи ёқимли, ҳеч бир хонанданикига ўхшамайдиган дилўртар овози янгради. Янгради-ю мухлисларни ўзига мафтун этди. Ана овозу мана овоз. Ана ихрою мана ихро. Бу дилбар овоз нукул юракларни нишонга олди, юракларни ишғол қилди:

Тушимда бир булбул кўрдим,

Учиб келмиш гулзоринан...

У танти, бетакрор ҳофиз бўлди. Анча-мунча юртларда доврўк таратди. Жозибали овози билан саҳналарни, залларни титратди. Отажон юракдан ёниб қуйлади, беармон қуйлади, сўзларни гавҳардай тизиб-тизиб қуйлади, кўлдаги торини қалби билан чертиб-чертиб қуйлади. Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ қувонч, гоҳ изтироб билан қуйлади.

У қуйлаганда – булбуллар киприк қоқмай тинглайди.

У қуйлаганда – майсалар роҳатланиб пинакка кетади.

У қуйлаганда – дарахтлар астойдил сукутга чўмиб, қўшиқ умониға фарқ бўлади.



У қуйлаганда – тоғу тошлар сел бўлади, харсанглар йиғлайди. Булоқлар қайнаб-тошади.

У қуйлаганда – юраклар парвозга шайланади, вужудлар титроққа тушади.

Отажон Худойшукуров бетакрор ижро услуби билан қўшиқ

Барҳаёт наволар

ичида яна бир дилбар қўшиқ яратарди, қўшиқнинг жонига жон бағишларди. Ва бу қўшиқлар тингловчини қўшиқ ичра яшашга чорлайди. Ох, юрак қониб-қониб, вужудинг ёниб-ёниб қўшиқ ичида қўшиқ бўлиб яшаш — илоҳий неъмат, тугунмас бахт.

Унинг репертуарида умрбоқий қўшиқлар гавҳардай таралган. Хар бир қўшиқнинг дунёга келиши — бир тарих. Отажон Худойшукуровнинг вужудида дунёга келган бебаҳо лирик қўшиқлари билан бирга мумтоз ашулалари ўзбек қўшиқчили санъатининг олтин фондидан ўрин олган. Унинг ўзига хос ихроси аллақачон мактабга айланган. Айниқса, Хоразм суворалари, сеғоҳлари Отажон ҳофиз ихросида янги жозиб, янги авжлари билан юракларни забт этган. "Катта сувора", "Чапандози сувора", "Савти сувора"ларнинг ихро гулдастаси маънавий-маърифий давраларнинг гултожига айланган.

Отажон Худойшукуров сўзини ниҳоятда чертиб-чертиб, шеър ёғазалнинг мағзини қақиб-қақиб, юрак тесидан астойдил ўтказиб танлайди. Алишер Навоийнинг "Меҳр кўп кўргаздим, аммо меҳрибоне топпадим", Машрабнинг "Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо", Махтумқулнинг "Булбулман, оху зор чекиб, тоза гулзордан айрилдим", Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим", Иброҳим Юсуповнинг "Эсар Жай-

хун шамоллари", Омон Матжоннинг "Табассум қил", "Йўқдир" сингари қўшиқлари қимматбаҳо ва ноёб жавоҳирларга ўхшайди. Юрак ва таваккур мулкига айланган.

Бу қўшиқлар — Амударёдай сокин, Сирдай жўшқин, Ватандай кенг ва теран.

Бу қўшиқлар — Қорақалпоқ даштларидай поёнсиз, мафтункор. Даштларнинг боқий ҳикматлари мужассам бу қўшиқларда.

Бу қўшиқлар — Хоразм санъати китобида янги саҳифалар очди, янги нафас, бетакрор нафосат олиб кирди.

Бу қўшиқлар — илдиизи мустаҳкам чинорга ўхшаб умри боқий, манзили олис.

Бу қўшиқлар — Ҳожиҳон, Комилжон, Маъмуржоннинг ихро мактаблари билан беллашадиган яна бир серкирра мактабининг бебаҳо ҳосиллари...

Талант талантга тан берса, юрагидан жой берса, бир-бирини қадрласа, ижодини эъозласа — бундай миллатнинг адабиёти ҳам, санъати ҳам гуллаб-яшайди.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан Отажон Худойшукуровнинг ижодий ҳамкорлигига хар қанча ҳавас қилса арзийди. Бу икки забардаст ижодкорнинг самарали ҳамкорлиги туфайли кўплаб яхши наволар дунёга келган. Ва бу ҳофиз репертуаридаги қатор қўшиқларга умрбоқийлик бағишлади.

Омон Матжон 1979 йилда Отажон Худойшукуровга бағишлаган "Учинчи дарё" шеърини ёзган. Бу шеър ўттиз йилдан буён севиб ўқилади.

Бу нима?!

Кўринмас қандай оқим бу?!

Ерданми, кўкданми келар

бу судо?!

Наҳот тупроғимда, кўзга

кўринмай,

Оқиб ётар улуг Учинчи

дарё...

Учинчи дарё бўлиш қандай бахт, қандай шараф! У дарёлик даъво қилган эмас, дарё бўламан, деб ошиққан эмас. Шоир уни икки дарёга қислаб Учинчи дарё, деб атайди. Бу қўшиқ дарёси, бу нола, дард, фиғон дарёси. Ҳофизнинг ўқтам, дилбар, авжи баянда овозини эшитишимиз биланоқ бу теран қўшиқ дарёси юрагимизга оқиб келаверади, келаверади... Хой, ёронлар, биродарлар! Сизга Учинчи дарё мўъжизаларидан билганимизча озгина ва соғина сўзладик, андак тараннум этдик. Тингланг, ҳамон Учинчи дарёнинг жўшқин ва дилбар овози келаятир. Учинчи дарёни тингланглар хамиша мурод-мақсадларига етсинлар.

Ашуралӣ ЖўРАЕВ

Менда таклиф бор

Хивани очик осмон остидаги музей дейдилар. Афсоналар шахри мақомида олқишланиши ҳам бор гап. Камина яқинда Жанубий Кореянинг сайёҳлар учун мўлжалланган "Travie" интернет газетасида чиққан журналист Шин Ю Жин қаламига мансуб "Хива: ой ёруғида шамол эсади" сарлавҳали мақоланинг таржимасини ўқиб, шеър муталаа қилгандай роҳатландим. "Хиванинг таровати ўзгача. Ичон қалғани тарих ва бугун ўртасидаги деворга менгаддим. Қалға майдони унча катта эмас. Мен тонгда ҳам, тунда ҳам уни томоша қилишдан тўймадим. Айниқса, Жума масжидининг қўёш нурида жилволаниб нур сочишини кузатар эканман, сайёҳатчилар шаҳарнинг сокин тунини кузатиш иштиёқида бежиз ёнмаслигини тушундим" ("Хива тонги" газетаси, 24 июль, 2018 йил, корейс тилидан Т. Бутунбоева таржимаси).

ПАҲЛАВОН МАҲМУДГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛАДИМИ?

Чиндан ҳам Хива маҳобатли дoston мажмуаси янглиф сайёҳлар кўз ўнгига олис мозий ва бугунги кун манзараларини яхлит шаклда намоён этади, инсон юраги гўзаллигини, нафосатини, жозибасини тошлар, ёғочлар тилида қуйлайди. Ҳазрати Полвон Пир (мутафаккир шоир, бетимсол руҳий ва жисмоний куч соҳиби Пахлавон Маҳмудни аҳоли шу ном ила шарафлайдилар) айтганларидай, бу сафда чумоли ўзини арслондек ҳис этади:

Бир зарб берамиз... чарх фили яқсон бўлғай,
Уфқ доираси ногоран шон бўлғай.
Жой олса чумоли гар бизим сафлардан,
Давлатимиз туфайли арслон бўлғай.
(Форс тилидан Матназар Абдулҳаким таржимаси.)

Хивага орзуаманд сайёҳлар сайёҳатни олтин қуббали Пахлавон Маҳмуд мақбараси зиёратидан бошлашади. Ёки афсонавор шаҳар сафарини айнан шу масканда якунлаётди, дуолар ўқиб, табаррук кудқудан сув ичадилар. Бинобарин, шаҳри азиямининг юраги айнан шу жой. Манбаларда таъкидланишича, қадимги даврларда Полвон Пир қиёфасини яратишга кўп рассомлар иштиёқманд бўлганлар. Жумладан, Камолиддин Хусайн Газоргоҳийнинг "Махлис ул-ушшоқ" номли асарига чизилган "Пахлавон Маҳмуднинг ҳинд йигити билан кураш тушиши" миниатюра асари сақланиб қолган (1506 йилда яратилган мазкур асарнинг ўн еттинчи аср охири — ўн саккизинчи аср бошларида кўчирилган нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади).

Ўн еттинчи асрда яшаган номаълум рассом яратган миниатюрада Полвон Пирнинг Ҳиндистонда кураш тушгани айtilган. Кураш жараёнини Ҳиндистон подшоҳи Жуна кузатиб ўтирибди. Ривоятларда тасвирланган ўша кураш манзараси миниатюра санъати орқали абдиётга муҳрланган.

Ушб миниятурадан таъсирланган Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳазораспик иқтидорли рангтасвирчи рассом Давронбек Отамурадov 2009 йилда "Пахлавон-Маҳмуд", рангтасвир асарини яратди. Бу картинада номаълум рассом фантазиясининг аксини кўрасиз: Жуна Пахлавон Маҳмуд куч-қудратини тан олиб, ул зотга ҳаёлар топираётгани, полвон шартига кўра ҳоразмлик маҳбусларни эиндондан озод этаётгани ўз ифодасини толган. Мазкур картина Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси дипломига лойиқ қўрилган.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, машҳур ҳайкалтарош Шавкат Усмонов Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини битирув диплом ишига мавзу сифатида Пахлавон Маҳмуд ҳайкалинини яратишни танла-

ган эди. Улкан мақсад йўлида у мутафаккир шоир рубоийларини ўқиб ўрганди. Рубоийлар руҳини кўнгил кўзлари билан кўргач, саодатли кунлардан бирида Пахлавон Маҳмуд қиёфаси идрокда "ярқ" этди. Сўнг қаҳрамони яшаган даврларга ҳаёлан сайр этиб, либослар эскизларини чизди. Яратилажак ҳайкални ўрнатиш жойини чамалаб, осори-атиқаларга уйғун равишда лойиҳалар тайёрлади. Буларни диплом иши раҳбари, таниқли ҳайкалтарош Анвар Аҳмедов ва диплом иши бадий кенгаш аъзолари билан биргаликда муҳокама қилди. Устозлар катта аудиторияда лойдан Пахлавон Маҳмуд ҳайкалинини яратишни тавсия қилдилар ва ниҳоят, 1973 йилнинг июнь ойида орзу амалга ошди.

Маҳобатли ҳайкални институт ўқитувчи-профессорлари, талабалар, машҳур ҳайкалтарошлар, рассомлар, санъатшунослар, бошқа ижодкорлар, хорижлик меҳмонлар кўриб, "Эзулик сари етакловчи асл санъат асари дунёга келибди", дея фикрларини билдирдилар. Диплом иши ҳимояси юқори баҳоланди. Сўнг эса... барчаси унутилди. Чунки ҳайкалдан шакл олишга муаллифнинг маблаг итмади. Буюртмачи топилгани йўқ. Оқибатда Пахлавон Маҳмуднинг лой ҳайкали — афсонавор ёдгорлик бузиб ташланди. Жараёнда олинган суратлар сақланиб қолди, холос.

Шавкат Усмонов кейинчалик Ал-Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Оғаҳий, Аваз Ўтар, Комилжон Отаниёзов каби улуг сиймолар ҳайкалларини яратишга муваффақ бўлди. Аммо ўша лой ҳайкал унинг ўй-хаёллари тарқ этмади.

Бугунги Хива тобора ўзгараётган шаҳар. Ҳали-замон жаҳон сайёҳлари Хиваимизга асал арилар каби оқиб кела бошлайдилар. Шундай кунларда, орзу қилингандек, ажойиб шоир Пахлавон Маҳмудга ҳайкал ўрнатиладими? "Тетикман. Орзуим амалга ошса, бу хайри ишга ўзим бош-қош бўлар эдим!" дейди Шавкат ака.

Бенхитёр Полвон Пир бобомизнинг залворли товуши келаятгандек туюлади:

Дарёдаги сув кўзимдаги намдандир,
дунёдаги бор-айланга сийнамдандир.
Ишлайди кулол... бу қўшма дўстлар... хоки
Ўт, сув ила мавжуд хазинамдандир.

Беназир шоир Матназар Абдулҳаким бу овозни шеър тилида бизга еткази билган. Рубоий мағзини англасак, Пирнинг ҳазина эканлиги ойдинлашади. Ажабмас, лой ҳайкал қайта тикланиб, Пахлавон Маҳмуднинг руҳини шод этишга муяссар бўлсак...

Озод СУЛТОНОВ,
санъатшунос

“ШУ ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ”

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасида мазкур уюшма ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ва Бадий академия ҳамкорлигида "Шу юрт фарзандларимиз" шиори остида учрашув-дебат бўлиб ўтди. Унда иқтидорли ёшлар ўз асарлари билан иштирок этишди.

— Учрашувдан асосий мақсад ижодкор ёшларни уюштиришдан иборат, — деди Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Сўз, оҳанг ва тасвир уйғунлигида ўтадиган бундай учрашувлар ёш иқтидор эгалларини янада илҳомлантириб, янги ижод намуналари яратишга, замон билан ҳамнафас баркамол ғояларнинг пайдо бўлишига туртки беради, деб ўйлаймиз.

Тадбир Тошкент вилояти 13-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ижросидаги "Ўзбекистон" қўшиғи билан бошланди. Шоирлардан Хушнуд Дарвешов, Алишер Боймуродов, рас-

Ёшлар учрашуви

сомлардан Достон Рўзиев, Сардор Каримов, Камрон Жабборкулов, Абдуқаҳҳор Абубакиров, композиторлардан Зарина Ҳодиева, Жаҳонгир Жўраев, Асие Абидуллаева, Асадбек Турғунов, Дурдона Чорихўжаева, Ирода Хўжахонова, Бехзодбек Турсунбоев каби ёшлар ўз истеъдодларини

намоиш этишди. Ёш қаламкаш А.Боймуродовнинг юморга бой "Муҳаббат ва харажат" номли шеъри йиғилганларга яхши қайғират улашди. Ёш рассом Камрон Жабборкулов "Она" номли композициясини иштирокчилар эътиборига ҳавола этди.

Иқтидорли композитор Жаҳонгир Жўраевнинг ўзбек халқ куйи "Яллама ёрим" асосида яратилган "Токкато"си ҳамда Асие Абидуллаеванинг флейта чолғуси учун ёзган "Нозик чепара" номли асарлари кўпчиликлда қизиқич уйғотди. Сўз, оҳанг ва тасвирий санъат уйғунлигини яна бир бор ибодатлаган ушбу учрашув-дебат ижодий баҳо-мунозараларга бой бўлди. Ёшлар кейинги учрашувларнинг режасини тузиб олдилар.

Камолиддин АЗИМОВ,
композитор

«ЖИБЛАЖИБОН» ЭКРАНГА ҚАЙТАРМИКАН?

Саид Анварни аллақачондан буён яхши ҳажвчи-ёзувчи сифатида танийман. Ўзбекистон радиосида, телевидениеда у билан бирга ишлаганимизда ҳар қандай юксак пардалардаги ваъз-насихатларга қўлдо тутаётгандек бўлиб кўринса-да, адабиёт ўз қонуниятлари асосида яшашини теран фаҳмлашига гувоҳ бўлганман. Адибнинг қисса ва ҳикояларидан, интермедияларидан тортиб "Муштум" журналидаги чиқишларигача бу ҳол яққол кўзга ташланади. Анчадан буён унинг ўзи билан кўришиб гаплашолмаган бўлсам ҳам, телевидение орқали берилган "Жиблажибон" сериалини кўриб, овозини эшитиб тургандек бўлардим.

Ёзувчининг қаҳрамонлари зилли қиёфада бўладими, амалдор ёки оддий бир фуқароми, ўзига хослиги, ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Хар кун тўқнаш келишимиз мумкин бўлган юзлаб мугомбир, муттаҳам, ёлғончи, товламачиликнинг илдиизи бирлигини "Жиблажибон"да ишонарли тасвирлаб бера олгани

учун халқимиз орасида бу сериалга қизиқиш кучайди.

Қолаверса, сериал Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" каналда бежиз қайта-қайта намоиш этилаётгани йўқ: унда томошабинлар дилидаги гап, бачканаликдан йироқ серкулги саҳналар бисёр. Томошабин сифатида фильм менга ҳам жуда

ёқди. Шунинг учунми, оддий мухлис сифатида биринчи ҳажвий сериал ҳақида телевидениеда, матбуотда чиқишлар, асар ҳақида анчайин мақтовлар, шу билан бирга танқидлар ҳам бўлса керак, деб кўп кутдим...

Аммо, негадир, акс-садо бўлмади.

Сериалда бош қаҳрамон — Кулмиддин образини яратган Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Хусан Шариповнинг шундай хотиралари бор эди: "Инфарктни бошимдан ўтказиб, касалхонадан аранг чиқиб келиб, уйда ётган кунларим "Жиблажибон"нинг сценарийсини олиб келиб беришди. Ётган жойимда ўқиб қидим.

"Вой, бўлар экан-ку! Мана, биз яйраб-йайраб ўйнайдиган, халқимиз кутган асар!" дея қувониб кетдим. Дам ўтмай, аҳолимни ўйлаб, кўзимга ёш келди. "Наҳотки, Хусан, шундай сериалда роль ўйнамасдан, бу дунёдан ўтиб кетаверсанг!".

Сўнг ўзимни кўлга олдим. "Йўқ, шу асарни ўйнамагунча ўлиш йўқ, Хусан!". Ишонсанглар, сериалнинг дастлабки қисмлари тасвирга олинаётганда, мени машинага ётқизишди, сьёмкага олиб боришди. Бир томонимдан режиссёр суяб, иккинчи томонимдан тасвирчи кўтариб турган ҳолатларда суратга тушдим. Сериалнинг биринчи қисмида мени кўтариб юришган бўлса, бешинчи қисмга келиб етакловчи билан, ўнчинчи қисмга етганда унча-мунча сини ўзим кўтарадиган бўлдим!

Ана шу сериал мени сеvimли касбим — санъатга қайтарди!". Эътироф этиш керак, энг асосийси, асар томошабинларга жуда манзур бўлди. Қайта-қайта кўрсатилса ҳам, қизиқиб кўришпайди. Хайрият, бир мар-талик асар бўлмабди.

Сериал воқеалари тўқилганини билиб турасиз, аммо нима бўлар экан, деб кутасиз. Ҳажв-

чининг ютуғи ҳамма биладиган воқеаларни кутилмаган ўзанга буқиб юборишни удадлаганида. Эсон, Омон, Қўзвой сингари такрорланмас образлар яратилган. Аммо Кулмиддин образи ҳажвийтимизда янглик! Бунақаси ҳали яратилмаган! "Ўн икки стул", "Олтин бузоқча" асарларининг қаҳрамони Остап

Муносабат

Бендердан ўтса ўтиб кетганки, орқада қолган эмас. Хатто учраб қолганда Мольернинг Тар-тофига ҳам бизнинг Кулмиддин дарс берган бўларди.

Хар қандай асарнинг кириши, кўльминацияси, ечими — оддийроқ қилиб айтганда, боши ва охири бўлади. Йигирмта қисмни завқ билан кўриб бордим. Йигирма биринчи қисмга келганда воқеалар тақа-тақ тўхтади! Кўёвларини "биттаси эмас, ик-титаси эмас, тўрттаси ургач",

Кулмиддин "Ана энди мендан кўрасизлар!" деб янги гағволарни бошлаганди. Энди нима бўлади, кутамиз, давоми йўқ!

Кулмиддин "тўрт марта эрга тегиб, беш марта ажрашган кизи"ни Эрка қиёмнинг ўлиғи бермокчи эди. Бу воқеалар ҳам охирига етмай, қолиб кетди. Асосийси, қарз бериб, чув тушган етмишга яқин одамнинг қадами Кулмиддиннинг эшигидан аримайди, ҳақини сўраб келишдан чарчамайди. Бизни бир савол қийнайди: улар ҳақларини қайтариб оламизми?

Томошабин асар воқеаларига эргашяптими, севиб томоша қиялтими, уни алдаганча, аро йўлда ташлаб кетмаслик лозим. Аммо фильм ижодкорлари ярим йўлда тўхтаб қолишди. Сериалнинг қолган қисмлари муаллиф томонидан қозоғза туширилиб, раҳбариятта тақдим қилинган, ҳатто ки-ки-уч қисми тасвирга ҳам олинган экан. Сериал режиссёри Рихисвий Мирзашарифовнинг га-пига қараганда унинг тўхтаб қоли-шига актёрлар ўртасидаги "Нега бу ролни мен эмас, у ўйнайди?" деган гаплар сабаб бўлганмиш.

Раҳбарларга ҳам тинчлик керак, "Кўйинглар, қулғимиз тинч турсин" дейишди, суратга олиш ишлари тўхтатиб қўйилди.

Ўзбекистон телевидениесидаги мутасаддилар бу сериалнинг келгуси такдирига эътибор беришса, давоми суратга туширилса, кўпчиликнинг дуосини олишарди. Қолаверса, сериал экранга чиққандан буён уни ижро этган актёрларнинг кўпчилиги, асосий қаҳрамон ижро-чиси ҳам дунёдан ўтиб кетишди. Қолган актёрларни ҳам бу дунёга бойлаб қўйгани йўқ. Улардан фойдаланиб қолмоқ керак.

Жамиятимиздаги янгила-нишлар, тозаришлар кечаётган бир даврда "Жиблажибон"нинг экранда кўриниши ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ заруратга айланган. Зеро, ташки нуксонлар оддий ойнага қараб тўғриллангани каби ҳажвий сериал одамларнинг маънавий баркамоллиги учун кўзгу бўлишга қодир. Бугун эса кўпчиликни бир савол қизикти-ради: "Жиблажибон" экранда яна қачон кўринади?

Шойим БЎТАЕВ



Тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ҳаққоний ва ҳолис тарихини яратishi борасида жон куйибран олимлардан ҳисобланади. У манбаларга асосланиб уч жилдли мажмуа яратди. Унинг биринчи жилди "Туркистон Чор Россияси мустамакачилиги даврида" деган салмоқли асаридир. Мустабид тузум даврида тилкаланган, шўрлар андозасига мослаб тўқилган тарихимиз барча сохталардан халос бўлган ҳолда ўз бўйи-бастини ростлади. Олимнинг савй-ҳаракатлари билан "Ватан тарихи" (1998 й.), "Қишлоқ фожияси" (2003 й.), "Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати" (2005 й.), "Қатағон қурбонлари" (2007 й.) китоблари яратилди.

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ ҲАҚИДА УЧ КИТОБ

Яқинда, "Академнаш" томонидан босилган уч жилдли "Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари" номли илмий трилогия ҳам Рустамбек Шамсутдинов муаллифлигида чоп этилди. Чунки бундай мажмуага маънавий эҳти-ёж жуда катта эди. Мустабид тузум ҳукмронлиги йилларида фронт ва ҳаракатдаги армиялар таркибида ўзбек тилида газеталар, тезкор хабарлар, мақолалар, очерклар чиқиб турди. Ушбу манбалар асосида ўзбекистонлик жангчиларнинг мардлиги, жасорати талқин этилган илмий талқи-қотлар, қиссалар яратила бошланди. Бошқа республика-ларда ҳам, афтидан, халқ қаҳрамонлигини ифода этади-ган асарлар вужудга кела бошлагани, бу Сталиннинг "да-ҳо" сийла соя ташламаслиги мумкин эмасди. 1946 йилда, "Звезда" ва "Ленинград" журналлари атай танқидга дучор этилди. Кўп ўтмай, иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт газеталарида хизмат қилган ўзбек журналистларидан Шўҳ-рат, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Ёнғин Мирзо ва бошқа мухбирлар, ёзувчилар қамоққа олинди. Бу эса, ҳарбий давр фронт газеталарида доврўи ёйилган фаол жан-гчиларнинг жасорати, қаҳрамонлиги сояда қолиб кети-шига, оммавий тарзда ўрганилмаслигига олиб келади.

Тарихшуносликда бу катта кемтик ҳосил қилган эди. "Муқаддима"да таъкидланганидек, "бу газеталар чи-қиб турган вақтдан бери орадан 75 йил ўтганига қара-масдан, талқиқотчиларимизнинг ана шу манбаларни илмий истеъмолга киритмаганилиги тарихшунослиги-миздаги камчиликлардан биридир".

Уч жилд, уч китоб, 1800 саҳифалик, 102 босма табоқ-ли иш — илмий хазина жамулжам этилганки, бунинг за-мирида қанчалик машаққатли изланишлар, ирода ва билим турганлигини тасаввурга сийдириш қийин.

Биринчи жилдини varaқлайман. Асарга Ўзбекистон Рес-публикасида хизмат кўрсатган фан arbоби, академик Наим Каримов илмий маслаҳатчилик қилган. "Муқаддима"ни иштиёқ билан мутулаа қиларканман, профессор Рустам-бек Шамсутдиновнинг Иккинчи жаҳон уруши, унинг са-баб ва oқибатлари тўғрисида собиқ СССР парчалааниши юз бергандан сўнг вужудга келган турфа зиддиятли қараш-лардан ҳоли эканлигига амин бўласан, киши.

Муаллифнинг изланишларида кўра, ўша пайтларда жанглар изи совумасдан, қизил аскарларнинг мардона курашлари лавҳаларини тезкор етказувчи ўзбек тилида чиққан 20 га яқин газета Украина, Белоруссия ва Бол-тиқбўйида давом этаётган жангҳоғарда, ўзбек аскарла-рига мунтазам етказилиб турилган. Мақолалар, хабарлар, шеърлар, очерклар ўзбек жангчиларининг руҳини кўта-ришга, жанговарлик шижоатини оширишга, қуролдош ҳамюртларидан ўрнак олишга қаҳирган. Тарихшуосли-гимизда жангнома бўлган газеталарни манба сифатида ўрганиш доирасига киритмай, илмий бўлишққа йўл қўйилган эди. Сабаби, кишилик тарихида энг катта, энг даҳшатли, энг қирғинбарот бўлган Иккинчи жаҳон уру-ши қандай кечгани, жанг усуллари, ҳужум ва мудофаа сирлари, жангчилар жасорати халқлар ва ҳарбий фан та-рихи учун бениҳоя муҳимдир.

"Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари" трило-гиясининг биринчи жилдида учинчи Болтиқбўйи фрон-тига сафарбар этилган жангчилар учун ўзбек тилида чи-қарилган "Ватан учун" газетаси материаллари жамлан-ган. Китоб газетанинг 1942 йил 29 октябрдаги илк сониди босилган "Хар ким ўзига ҳисоб оқиб" мақоласи билан бошланади. Бу кичик хабар ўз вақтида ўзбек жангчисини

руҳлантирган, орадан шунча йил ўтгач, биз ўқувчиларни эса, тўқилганлигидан, оғир уруш йиллари ҳақида тасав-вурга эга бўлишимизга ёрдам беради.

Таниқли ёзувчи, ҳарбий мухбир Илья Эренбургнинг шу сонда берилган "Ўзбеклар" мақоласи мазмун-моҳия-ти билан катта аҳамиятга эга. "Мен Волга яқинида ўзбек жангчилари озод этган рус қишлоғини кўрдим, — деб ёзади Илья Эренбург, — бу кишилар Фаргона воийсида яшар эдилар. Улар меҳнатни, дўстона суҳбатни, ойдин кечаларни севар эдилар. Улар кимсага қурол билан ўқтал-мас эдилар. Лекин хавфли соат келгач, ўзбеклар мардо-налик билан жангтоғга кирдилар".

3-Болтиқбўйи фронтда ўзбек тилида чиқиб турган "Ватан учун" газетасининг ҳар бир сонини ҳаяжонлан-масдан ўқиб бўлмайди. Фронтда кечаётган воқеа-ҳодиса-лар, жон бериб-жон олишлар ўша пайтда ҳарбийларга тезкор етказилган бўлса-да, фронт орти — Ўзбекистон ундан воқиф эмасди. Қайноқ жанг бўлиб ўтган минтақа-

Фронт газеталари тарихидан

лардан ёзилган хабарлар, мақолалар манба сифатида бу-гун ҳам қимматини йўқотган эмас.

"Ватан учун" газетасининг 1942 йил 5 ноябрь сониди "Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртлари-дан мактуб" чоп этилган. "Нур-ийдаларимиз, жигар-пораларимиз! Бу хатни сизларга ватан ёзади. Бу хат Вол-ганинг шаҳри азими ва мустақкам қалъаси бўлган Ста-линградга, ҳозир ватанимизнинг тақдирини ҳал бўлаётган ҳамма фронтларга қарата ёзилган. Бу хатнинг тағига бу-тун Ўзбекистон халқи кўл қўйганлиги", — деган оташин даъват билан бошланади мактуб.

Она юртининг нафасини сезиб туришда, ортда тоғдай юксалиб, таянч борлигини ҳис этишда фронт газетала-рининг, ҳусусан, "Ватан учун" рўномасининг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаган.

"Совет жангчиси" ва "Қизил аскар ҳақиқати" ўзбек фронт газеталари саҳифаларида босилган, мажмуанинг биринчи жилди мундарижасидан ўрин олган мақолалар, лавҳалар, шеърлар даҳшатли урушнинг жанговар солно-масини ташкил этади. Машҳур шоир Фафур Фуломнинг "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак" шеъри "Ватан учун"нинг 1942 йил 6 декабрь сониди босилган. Манбанинг қиммати жойи шундаки, шеърнинг ёзилган аниқ сана-си 23 ноябрь деб кўрсатишган. Маннон Фани, Сайдахмад (Саид Аҳмад), Собир Абдулла, Уйғун, Зулфия, Тему-р Фаттоҳ, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ёнғин Мирзо, Мумтоз (Мухаммедов) шеърлари фронт газеталари са-ҳифаларида мунтазам чиқиб турган.

Уч китоблик "Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газетала-ри" мажмуасидаги анча салмоқли бўлган иккинчи жил-дининг илмий, тарихий ва маърифий аҳамияти ҳам бе-қисс. Иккинчи китоб "Муқаддима"сида келтирилган маълумотлар ўқувчилар оммаси учун ҳозиргача сир бўлиб келган эди. "1941-1945 йилларида Ўзбекистондан мажбу-рий меҳнат армиясига олинган, ўша давр ибораси билан номланган "қуролсиз аскар" ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдирини, буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихидир. Ўтмишимизнинг бу саҳифаси Ўзбе-кистон тарихи китобларида, монография тадқиқот ва дис-сертацияларда ўз аксини толмаган... Бу "қуролсиз аскар"

тарихи номаълум ҳолатда эди. Ўзбек бадийи адабиётида ҳам бу мавзу ўз ифодасини толмаган. Бу ҳуқосавий фикр-ларга тўлиқ қўйилишга тўғри келади.

Урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига олинган. Мудофаа саноати манзилларига — Бошқирдистон АССР ва Уралдаги за-вод-фабрикаларга 34320 киши жўнатишган. "Меҳнат ар-мияси" сафига ёши катта юртдошларимиз олинган.

Урушдан анча бурун, мамлакатимиз ичидида қатагон-лар даврида Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонга 30-йилларда сургун қилинган ўзбеклар — ҳамюртларимиз тақдирини ҳам мазкур тадқиқотда ўз акси-ни топган. Улар ҳам фронтга жўнатишган, мудофаа иш-ларига сафарбар этилган. Муҳими, 2-жилда "қуролсиз аскар" — ҳамюртларимизнинг бу — меҳнат фронтда ҳам жон фидоиликлари кенг ёритилган. "За тяжелое машино-строение", "Вперёд к победе" каби тармоқ газеталарида ўзбек илгөрлари ҳақида мақолалар босилган.

"Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари" мажмуа-сининг 2-китоби уч бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда "Ватан шарафи учун" газетасининг 1944 йил 16 январь сониди "Ўзбек қизининг ботирлиги" деган мақола босил-ган. Муаллиф Н қисмининг полк командири подполков-ник Саввин бўлган. Мақолада Украина учун бўлаётган жан-гларда маҳорат кўрсатаётган ўзбек қизи "Раҳима Алимова пулемёт ва миномёт ўти остида 97 ярадор жангчи ва офи-церга шошилинич медицина ёрдами кўрсатди ва уларнинг кўпини жанг майдонларидан хавфсиз ерга олиб чиқди", деб ёзилган. Шу сонда оддий аскар Султон Жўранинг "Пу-лемётчи овози" деган шеъри ҳам босилган.

Газетанинг 1944 йил 19 январь, 4-сониди гвардиячи оддий аскар Ҳайдар Мирзаевнинг "Икки Юнкерс"ни уриб туширдик" сарлавҳали хабарда "Гвардия оддий аскарини наводчик Бобоқулов мерганлик билан отиб, икки снаряд биланок бир "Юнкерс — 87"ни қулатди...", дейилади. Ўзбек жангчисининг бу шижоатидан гурур-ланасан киши.

Газетанинг 1944 йил 16 февраль, 13-сониди шоир Ҳамид Олимжоннинг "Гвардиячиларимизга" деган шеъ-ри босилган. Бу шеър, чамамда, шоирнинг сўнгги асарла-ридан бўлса, ажаб эмас:

Қани, шерлар, олға ҳамон, ғалаба томон,
Душманларни даҳшат билан куйинг беаё,
Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон,
Ўзбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв.

Ўзбек аскарларининг руҳини кўтарган, шиддатли жан-гларда шижоатга ундаган "Олга" газетаси саҳифаларида доврўарқ ўзбек жангчиларининг мардларча олиб бораёт-ган курашини ёрқин ёритувчи хабарлар, мақолалар, очер-клар бериб борилган. "Сержант Исмоил Каримовнинг қаҳрамонлиги", "Бир киши 21 самолётга қарши", "Душ-маннинг икки танки емирилди", "Ўзбек халқининг қаҳра-монона ўтмишидан", "Ўзбекдан чиққан қаҳрамон" син-гари мақолалар юксак савияда ёзилган.

"Фронт ҳақиқати" Иккинчи Белоруссия фронти га-зетаси эди. Муаллифининг мунтазам изланишлари сама-раси улароқ, "Фронт ҳақиқати"нинг 1944 ва 1945 йил-ларга оид бир неча сонлари мажмуа мундарижасидан ўрин олган. Газета 1945 йил 5 июлдан "Ғалаба байроғи" номи билан чиқа бошлаган. Турли фронт марраларидан тиш-тирноғигага қуролланган фашистларга қарши ку-рашаётган улғувор армия жангчилари сафиди ўзбек ас-карлари тутган ўринни далолат этишда ўзбек тилида нашр этилаётган газеталар уруш қизигин кечган ўша пай-тларда бўлганидек, эл юрт тақдирини ва тарихи халқни қизиқувчи зиёлими, талабамини, олимини, муҳандисини, леҳронини, қосибини, ҳозирда ҳам бир хилда аҳамият касб этиши табиий. Шу жиҳатдан, "Нурмурадлов расчети душ-ман батареясини яқсон қилди", "Ботир майдонда си-налади", "Фронт! Ўзбекистонни эшит!", "Армиядан бўшовчи билан суҳбат" сингари мақолаларни зикр эт-май бўлмайди. "Сержант Каримжон Пардаев Улғу ватан урушида миномётчи бўлиб жанг қилди, — деб ёзади кичик сержант Ш.Мамажонов, — жангларда намуна кўрсатиб ўш марта ҳукумат мукофоти билан тақдирлан-ди. Пардаев 1939 йилдан буён Қизил армия сафиди хиз-мат қилиб келди. У ҳозир уч марта яралангани учун ар-мия сафидан бўшаб жонажон Ўзбекистонга, Сурхон-дарё областига кетмокда".

"Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари" трило-гияси нафақат бизга ўзбек аскарларининг шижоати, қаҳрамонлиги, ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида маълум-от беради, балки уларнинг авлодлари ўз боболари ҳақидаги ҳақиқатларини билиб олишлари, ўз хотиралари билан ўртоқлашишлари, янги асарлар яратилиши учун манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Кези келганда ушбу трилогияни журналистика тарихи сифатида соҳада таълим олаётган талабаларга, ҳарбий қис-мларда хизмат қилаётган ёш аскарларга ўқув қўланма ўрнида тавсия этган бўлардик.

Поён РАВШАНОВ

сўнг депутатлик сўровларига жавоблар олиниб, партия элек-торатини ўйлантираётган масалалар ҳал этилди." "Истиқлол — миллий ўзлигимизни қайта тиклаш имконини берган улўф неъмат" мақоласида муаллиф Сарвар Отамуратов "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятидаги туб ўзгариш-лар ҳақида атрофлича маълумот берган.

Шунингдек, муаллифлар Хатамжон Кетмонов, Наримон Умаровларнинг ҳам юртимизда сиёсий партиялар ҳоки-мият учун курашининг қонуний ва ошқора механизмлари-дан самарали фойдаланаётганлари ҳақидаги мақолалари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

"Жамият ва ҳуқуқ" руқнидаги "Ўзбекистонда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларининг тақомиллашуви", "Давлат бошқаруви ва самарадорлигини оширишда ижтимоий капиталнинг роли", "Давлат бошқарувида ахборот-ком-муникация технологияларини жорий этиш" каби мақо-лалар ҳуқуқий билимларингизни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Шунингдек, журналда "Жамоатчилик назоратининг сама-рали шакли", "Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ олий комиссари иштираюқдаги илқ вебинар", "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик тақомиллаштирилади" каби мақолалар орқали сиз турли ташкилотларда ўтказилган уч-рашувлар, давра суҳбатлари, тақдиротлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўласиз.

Аҳмад ТУГАЛОВ

"УНУТМАС МЕНИ БОФИМ"

Буюк адибимиз

Абдулла Қодирийнинг

"Ўткан кунлар" ва

"Меҳробдан чаён"

асарларини ўқимаган

китобхон бўлмаса

керак. Асарни қайта-

қайта ўқиш асносида

қаҳрамонларнинг ички

олами, яшаш тарзи,

ҳақиқий ўзбекона

ҳаёти кўз ўнгимизда

тўқис намоён бўлиб

бораверади. Ёзувчи

асарларида хушхулқ

ва гўзал сиймоли қаҳрамонлар, табиат, боғ

манзаралари моҳирона тасвирланганки,

беихтиёр адибнинг болалиги ўтган кўча,

у яшаган ҳовли-жой сизни ўзига

чорлаётгандек туюлади.



Қадрият

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 10 август куни пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташрифи чоғида боғни замонавий парк-ка айлантиришга доир яратилган янги лойиҳалар билан та-нишди. Боғ марказида Абдулла Қодирийнинг муҳташам ҳай-калини ўрнатили, бу ерда адиб яшаган даврни акс эттиради-ган ўзига хос муҳит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси бўлган атоқли ади-бимизга халқимизнинг буюк эҳтироми ва меҳр-муҳаббатини мана энди — мустақиллик шарофа-ти билан тўқис даражада намоён этмокдамиз. Ҳолбуки, мустабид ту-зум даврида нафақат бу адибнинг

китоблари кутубхоналардан йиғиштириб олинган, ҳатто ёзув-чининг асарларини топиб ўқиганлар таъкиб қилинганди. Ёзув-чининг ўзи эса, 1937-1938 йилларда қатагон қурбонларидан бири сифатида минглаб миллат фидойилари сингари отил-ган эди. Ҳақиқат эгилди, букилди, аммо синмади. Буюк ади-бимиз яратган ўлмас асарлар бугун ҳахонга машҳур бўлди.

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи бугун том маънода маданият масканига айланмокда. Бу боққа ташриф буюрган киши, аввало, қалб сокинлигини ҳис қилади. Турли ман-зарали диҳатлар, майсазор ва гуллар билан ороланган боғ шов-қин-сурондан холи. Кутубхона, маънавият хонаси, адиб яшаган даврни ёдга солувчи "Тупроққўргон" ресторани сайёҳлар учун энг сеvimли жойга айланиб улғургани ҳам бежиз эмас. Тупроқ-дан қурилган оддийгина пастак хоначалар, лойсувоқ девор, су-пада чой ичиб гурунглашаётган бобо ва момонинг лойдан ясал-ган сиймоси беихтиёр халқимиз ўтмишини ёдга солади.

— Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Лойиҳани амалга оширсак, бу боғ қайтадан юз очади. Айни пайтда 23 гектар худудни эгаллаган боғда 300 дан ортик манзарали, минг-дан ошқ арча дарактлари бор, — дейди боғ раҳбари Карим Тожибоев. — Дарактзор бўлгани боис, бу ернинг ҳавоси мусаффо. Шунинг билан, турли спорт тўғаракларини таш-кил қилганимиз. Қўл жанги, кураш, стол тенниси, шахмат-шаш-ка тўғараклари кишин-ёғин фаолият юритади. Ёзга ва кишики спорт майдончамиз ҳамюртларимиз билан гавжум. Ҳар куни эрталаб ва кечкурун шу атрофда яшайдиган хотин-қизлар очқ спорт майдонда спорт билан шуғулланишади. Ҳар ойнинг охириги дам олиш кунлари аҳоли учун спортнинг кураш тури бўйича мусобақа ва концерт тадбирлари ўтказилади. Келгуси-да ихтисослаштирилган мактаб қурилиши режалаштирилган.

— Бу истироҳат боғининг бошқа кўнгилочар масканлардан фарқи маънавият ўқуқларига бойлигида, — дейди Қарши шаҳри-дан ташриф буюрган ўқитувчи Адолат Пўлатова. — Жуда сокин, тинч жой. Масалан, кутубхонада таниқли ёзувчиларнинг китобла-ри билан танишсангиз бўлади. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг бар-ча асарлари борлиги кишини қувонтиради. Яъни бу боғнинг ҳар қадамида буюк адибни эслатувчи хотираларга дуч келасиз.

Дарвоқе, шу атрофда яшайдиган маҳалла аҳли ва ҳамюрт-ларимиз учун боғ ичида ихчам қилиб ўтказишга мўлжаллан-ган ўзбекона тўйхона қурилмокда.

Бу ерда келгусида фаолият кўрсатиши режалаштирилган кулоллик, ўймакорлик каби халқ амалий санъатини ўзида му-жассамлаштирган турли тўғараклар очилишини эса болажон-лар интиқли билан кутмокда.

Ҳа, бу боғнинг ҳар қадамида адибнинг руҳи кезиб юрган-дек туюлади. — Боққа ёндош маҳаллада яшайман, — дейди яна бир она-хон мен билан суҳбатда. — Нимагадир китобни, газета-жур-нални шу ерда мутулаа қилишни яхши кўраман. Вақт топилди дегунча газета-журналларимни кўтариш шу ерга келаман. Го-ҳида менга невараларим эргашади. Уларга Абдулла Қодирий бобомиз ҳақида билганларимни сўзлаб бераман. Ўйлайман-ки, бу даргоҳ нафақат катта авлод, балки ёшларимиз учун ҳам маърифат масканига айланади.

Яшил дарактзор оралаб ортга қайтар эканман, тош билан безатилган ариқдан оқаётган зилол сув, сал нарироқда кама-лак рангларини кўчганга ўйноқлаб отилаётган фаввора адиб-нинг "Ўткан кунлар" асаригада Отабек ва Кумушбизининг булоқ бошидаги илк учрашувини ёдга солди.

Келгусида бу боғ Абдулла Қодирий билан қалбан учрашади-ган, асарлари қаҳрамонлари билан хаёлан суҳбатлашади-ган маърифат масканига айланишини ўйладим. Адибнинг замондо-ши Усмон Носир ёзганидек:

Баргдек узилиб кетсам,

Унутмас мени боғим:

Ишимни ҳурмат қилур,

Гуллардан ҳайкал курур.

Минг йиллардан кейин ҳам

Унутмас мени боғим!

Барно СУЛТОНОВА

"МЕН ТУФИЛГАН УЙ"



Ўзбекистон халқ ёзувчи-си, таниқли адиб Мухаммад Алининг шу номдаги шеъ-рий тўплами Нукус шаҳри-даги "Билим" нашриёти то-монидан қорақалпоқ тили-да чоп этилди. Китобга ҳозирга қадар шеърятини мух-лислари кўнгил мулқига ай-ланган "Қадимий қўшиқлар", "Рамана оҳангларида" син-гари туркумлар билан бир-га янги шеърлар ҳам киритилган.

Кенесбай Каримов, Сагинбай Ибрагимов, Жуманазар Утеминов, Туркменбай Жиёмура-тов, Халила Давлетназаров, Шарипиддин Аяпов сингари истеъдодли шоирлар томони-дан таржима қилинган шеърлар қорақалпо-ғистонлик китобхонлар учун муносиб совға бўлди. Ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Рес-публикаси Бердак номидаги давлат мукофо-тига сазовор бўлган Мухаммад Алининг "Шеър ва поэмалар" китоби (1990) ва "Сар-бадорлар" тарихий романи (2014) қорақал-поқ тилида нашр қилинган.

В.ИБРОХИМОВА

"ДЕМОКРАТИЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"

2018 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сони Фулом Мирзо-нинг "Декларация ва Ҳаракатлар страте-гиясининг мамлакатда фикр, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашдаги аҳамияти" номли мақоласи билан бошла-нади. Муаллиф мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев-нинг 2018 йил 5 майдаги Фармони билан тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари умумжа-мон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йил-лигига бағишланган тадбирлар дастури"-да ушбу соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қамровли ва улкан кўламли чора-тадбирлар белгиланганини алоҳида таъкидлайди.

"Давлатимиз раҳбарининг "Депутатга беписандлик — халқга беписандлик" деган фикрларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Наманган, Сурхондарё ва Фаргона вилоят кен-гашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг депутат сўро-вига жавоб бермаган ижро ҳокимияти органлари мансаб-дор шахслари ҳақида партия матбуот наشري "Миллий тик-ланиш" газетаси, партия расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда танқидий материаллар чоп этилди. Танқиддан



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32